Ўзбекистон овози

Рўзномага 1918 йил 21 июнда асос солинган

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

● Рўзнома: «Иштирокиюн» (1918—1920 й.) «Қизил байроқ» (1920—1923 й.). «Туркистон» (1923—1924 й.). «Қизил Ўзбекистон» (1924—1964 й). «Совет Ўзбекистони» (1964—1991 й.) номи билан чоп этилган, ҳозир «Ўзбекистон овози» (1991 йил 1 сентябрдан) номи билан чиқмоқда.

● № 47 (21. 166) 1992 йил 6 март, жума ● БАҲОСИ 1 СЎМ.

● Кеча Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди.
● Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.
● Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Партиянинг 1992 йил учун бюджети тасдиқланди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг пленуми тўғрисида

АХБОРОТ

1992 йил 5 март куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг IV пленуми бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Таъсис қурултойи резолюциялари бажарилишининг бориши ва партиянинг ташкилий жиҳатдан қарор топиши тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби М. М. Расулов маъруза қилди.

Пленумда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Маъруза юзасидан музокараларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бухоро вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Р. Мўминов, ХДП Тошкент вилоят Ўрта Чирчиқ район кенгашининг биринчи котиби Х. Н. Абдужабборов, ХДП Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби А. Э. Тўрақулов, Хоразм вилоят Хива шаҳридаги 20-болалар уйи директори В. Б. Пак, «Ўзбекистон овози» рўзномасининг бош муҳаррири Р. Р. Раҳмонов, Наманган вилоят Задарё районидаги «Гигант» жамоа хўжалиги бошқаруви раисининг муовини Ё. Т. Тошбоев сўзга чиқдилар.

Пленум муҳокама қилинган масала юзасидан қарор қабул қилди. Партиянинг 1992 йил учун бюджети тасдиқланди. Баъзи бир низомий нормаларни қўлланиш тартибини мувофиқлаштирувчи норматив-методик ҳужжатлар қабул қилинди. Пленум Ўзбекистон Халқ демократик партияси билан республика Ёшлар иттифоқи ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Раиси И. А. Каримов пленум қатнашчиларининг саволларига жавоб берди.

Пленум ишида Ўзбекистон ХДП Марказий Тафтиш комиссияси аъзолари, Қорақалпоғистон Республика ҳамда вилоят кенгашларининг биринчи ва иккинчи котиблари, шаҳар ва район кенгашларининг биринчи котиблари, матбуот вакиллари қатнашдилар.

Шу билан пленум ўз ишини тамомлади.

ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ ПРОТОКОЛ ИМЗОЛАНДИ

5 март куни Ташқи ишлар вазирлигида Ўзбекистон Республикаси билан Туркия Республикаси ўртасида дипломатия соҳасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги протокол имзоланди. Бу ҳужжат Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегацияси Туркияга борган пайтда Анқарада иккала давлат ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида тузилган битимга мувофиқ расмийлаштирилди.

Бу янги ҳужжат, жумладан, минтақа ва халқаро муаммолар юзасидан мунтазам маслаҳатлашувлар ўтказиб туришни кўзда тутади. Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги мурожаат этган тақдирда, Туркия элчихоналари ва ваколатхоналари республиканинг бошқа мамлакатлардаги ва халқаро ташкилотлардаги манфаатларини ўзаро келишиб олинган даврда ҳимоя қилиб туради. Туркия томони ўзбек дипломатларини тайёрлашда кўмаклашади.

Протоколни Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири У., А. Абдураззоқов билан Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин тантанали вазиятда имзоладилар.

(ЎзА).

Ўзбекистон—Туркия

Илгари хабар қилинганидек Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Туркия Республикаси ташқи ишлар вазири Ҳикмат Четин бошчилигидаги Туркия ҳукумат делегацияси аъзоларини қабул қилганди.
Суратда: қабул пайти.
Р. ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган сурат.

НАВБАТ СИЗГА, ИШБИЛАРМОНЛАР!

Туркия таниқли ишбилармонлари ва Ўзбекистон Республикаси ташқи савдо ташкилотларининг вакиллари ўртасидаги музокаралар ортиқча расмиятчиликларсиз, аниқ ишчанлик руҳида бошланди. Бу музокаралар Ўзбекистон пойтахтининг Кино уйида бўлиб ўтди.

Ўзбекистонлик ҳамкорлари билан ўзаро манфаатли асосда мустаҳкам алоқа ўрнатиш учун Туркия савдо-саноат доиралари намояндаларининг салмоқли гуруҳи Тошкентга келди.

— Биз орттирилган тажрибани баҳам кўришга, Ўзбекистон савдо-саноат доираларининг вакиллари билан ўзаро манфаатли шартномалар тузишга тайёрмиз, — деди музокара чоғида Туркия Бош вазири девони ҳузуридаги хазина ва ташқи савдо вазирининг ўринбосари Камол Каъбатош. — Туркияда катта бизнес билан шуғулланувчи таниқли ишбилармонлар Тошкентга келганлар. Уларнинг фаолият соҳаси бениҳоя кенг. Қурилиш ҳам, саёҳатчилик ҳам, кимё саноати, нефтни қайта ишлаш саноати, транспорт ҳам уларнинг соҳасига киради. Делегациямиз таркибида банк иши, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги тажрибали мутахассислар бор. Иккала томонни қизиқтирувчи бир талай ҳамкорлик соҳаларини топа олишимизга аминман.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари Н. Қориевнинг фикри қуйидагича:

— Республикамиз салмоқли иқтисодий салоҳиятга эга, уни кўпайтириш ва мустаҳкамлаш зарур. Турк ишбилармонлари билан музокаралар — кўпгина муаммоларни ҳал этишнинг самарали йўлидир.

Ташриф чоғида турк ишбилармонлари саноат корхоналари ва деҳқончилик соҳасининг етакчи мутахассислари билан учрашдилар.

ВАЗИРЛИКДАГИ УЧРАШУВЛАР

Ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш муаммолари икки давлат таълим тизимининг вакиллари — Туркия миллий таълим вазири Кексал Тўптан, Ўзбекистон олий ва ўрта махсус таълим вазири Ж. А. Абдуллаев, республика халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев учрашувининг бош мавзуси бўлди.

Ўзбекистон мустақил деб эълон қилинганлиги халқ хўжалигининг турли тармоқлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш ишида янги имкониятлар очади, дейилди учрашувда. Бу ишда Туркия билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш зўр аҳамиятга эга бўлиши мумкин, чунки у ерда миллий таълим соҳасида катта тажриба орттирилган.

Жумладан, Туркия Миллий таълим вазирлиги ўз мамлакатида ўзбекистонлик талабалар гуруҳига муаллимлик ихтисоси бўйича таълим бериш учун ҳамма шароитни яратиши ҳақида гаплашиб олинди. Илмий ходимларни, мактаб ўқувчилари ва ўқитувчиларини бир-бирларига валютасиз асосда юборишни йўлга қўйиш мўлжалланмоқда. Туркия ҳунар-техника таълими тизимида Ўзбекистон фуқароларига турли ихтисосларни ҳар йили ўргатиш кўзда тутилади. Учрашувда ўзбекистонлик ўрта мактаб муаллимларининг малакасини ошириш мақсадида уларга Туркияда таълим бериш, ўқув қўлланмаларини айрибошлаш, муаллимларнинг иккала мамлакат тарихий шаҳарларига саёҳатларини уюштириш ҳақида ҳам гап бўлди.

Учрашув қатнашчилари Ўзбекистон ва Туркия вазирликлари ўртасида таълим соҳасида ҳамкорлик қилиш ҳақида 1992-1996 йилларга мўлжалланган шартномани имзоладилар.

* * *

Туркия Республикаси делегациясига аъзо бўлган ҳарбийлар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа ишлари вазирлигига бордилар. Вазир Р. У. Аҳмедов билан суҳбат чоғида иккала томонни қизиқтирадиган масалалар ҳақида гаплашиб олинди.

Шундан кейин меҳмонлар Тошкент олий умумқўшин қўмондонлари билим юртида бўлдилар. Ўқув юртининг қўмондонлиги, талабалари билан учрашилди. Делегация аъзолари билим юртининг музейини кўздан кечирдилар.

(ЎзА).

ИНСОНИЙЛИК ЁРДАМИ ДАВОМ ЭТАДИ

ИСТАНБУЛ, 4 март. (РАТА—ТАСС мухбири Александр Челишев), МДҲ давлатлари иқтисодий қийинчиликларга дуч келаётганини эътиборга олиб, Туркия Ўрта Осиё давлатларига ва Озарбайжонга инсонийлик ёрдами беришга қарор қилди.

Мамлакат Бош вазири Сулаймон Демирэл Тўғри йўл партиясининг парламент гуруҳи мажлисида сўзлаган нутқида Туркия МДҲдаги республикаларга ёрдамни давом эттираверади ва у ерга озиқ-овқат ҳамда дори-дармонлар юбораверади, деди.

Бугундан бошлаб Қирғизистон, Туркманистон ва Озарбайжонга пойтахт тайёрагоҳидан ҳар куни 160 тонна ун, қанд-шакар, ёғ ва дори-дармон жўнатилиб туради. Бундан ташқари мазкур давлатларга, шунингдек Ўзбекистонга буғдой юборилади. Масалан, С. Демирэлнинг сўзларига қараганда, Озарбайжоннинг ўзи салкам бир миллион тонна буғдой олади. Туркия билан Қирғизистон ўртасида эришилган аҳдлашувга биноан Бишкек Анқарадан минг тонна қанд-шакар, минг тонна ун, минг тонна дори-дармон ва 50 минг тонна буғдой олади. Бу юклар Аэрофлот тайёраларида ташиб берилиши лозим.

(ЎзА).

ЎЗБЕК ХАЛҚИГА, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАРЧА ФУҚАРОЛАРИГА ҚУТЛОВ

Азиз юртдошлар!

1992 йилнинг 2 март куни халқимизнинг кўпминг йиллик солномаси мўътабар саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилгусидир. Бу кун ҳақли равишда мангуликка дахлдор. Зеро, айни шу кун мустақил Ўзбекистон давлати жаҳоннинг эрксевар халқлари ҳамжамияти — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти аъзолигига қабул қилинди. Эндиликда жонажон ўзбек диёрининг миллий давлат байроғи БМТнинг Нью-Йоркдаги қароргоҳи биносида мағрур ҳилпирамоқда.

Ушбу қутлуғ айём билан бутун халқимизни, барча юртдошларни, хорижий эллардаги ватандошларни чин кўнгилдан, самимий муборакбод этамиз. Озодлик ва рўшноликка томон тақдиримизга дахлдор қадам қўйганимиз рост бўлсин.

Олдимизда мустақиллик ришталарини парваришлаш, унинг таг-заминини мустаҳкамлашдек жиддий синовлар, қийинчиликлар турибди. Ҳеч шак-шубҳа йўқки, агар қўлни-қўлга бериб, аҳил ва ҳамжиҳатлик билан ҳаракат қилсак, бу мушкулотларни сўзсиз енгажакмиз. Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Беруний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур каби буюк даҳоларнинг авлодлари бўлмиш ватандошларимиз замонамиз умумбашарий қадриятлари хазинасига ўзларининг муносиб улушларини қўшишларига ишонамиз. Токи, сайёрамиз халқларининг улуғ карвони сафида ўзбек элининг ўз ўрни бўлсин, унинг овози жаҳон узра баралла янграсин!

Келинг, азиз юртдошлар, ҳур Ўзбекистонимиз шон-шарафини, шуҳратини юксакликларга кўтарайлик, халқимиз, миллатимиз бахт-саодати йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши. 1992 йил 5 март. Тошкент шаҳри.

Суратларда: пленум қатнашчилари.
В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

ДУНАЙ БИЛАН СИРДАРЁ ТУТАШМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ МОЖОРИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛИШИГА ДОИР

Аввал хабар берганимиздек, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов бошлиқ ҳукумат делегацияси 2 март куни расмий ташриф билан Можористон (Венгрия) Республикасига борди.

Ҳукумат қароргоҳида бўлган қисқа суҳбат чоғида Можористон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги давлат котиби Тамаш Катон Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкил топганидан кейин Ўрта Осиёдан биринчи марта Можористонга ташриф буюрган Ўзбекистон Республикаси делегацияси аъзоларини табриклади. Ўзбекистон Россия, Украина, Молдова ва Беларусдан кейин, деди у, биз билан дипломатик алоқалар ўрнатишга аҳд қилган бешинчи давлат бўлди.

Қадимий Можористонга яхши ният билан келдик, деди А. Муталов. Мақсадимиз — икки мамлакат ўртасида ўзаро манфаатли алоқалар ўрнатишдир.

Шу куни Можористон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий алоқалар ва илмий-техника ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

— Ўзбекистон вакилларини Можористон меҳр-муҳаббат билан кутиб олмоқда, —деди битим имзоланганидан кейин Можористон ташқи иқтисодий алоқалар вазири Б. Кадар. — Шуниси қувонарлики, вазирлигимиз тарихида биринчи марта Ўз-

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг қарори

УМУМХАЛҚ БАЙРАМИ НАВРЎЗ МУНОСАБАТИ БИЛАН «МУСТАҚИЛЛИК, ТИНЧЛИК, МЕҲР-ШАФҚАТ» ХАЙРИЯ ҲАШАРИНИ ВА ТЕЛЕМАРАФОНИНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Миллий қадриятларнинг тикланишида Наврўз байрамининг аҳамиятини эътиборга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи, «Фотон» ишлаб чиқариш бирлашмаси, Йўлдош Охунбобоев номидаги тўқимачилик ва енгил саноат институти, Тошкент шаҳар Октябрь ноҳияси «Янги шаҳар» маҳалласи жамоаси, Чортоқ шаҳар тикувчилик фабрикаси жамоаларининг 1992 йил 14 март куни «Наврўз» умумхалқ ҳайрия ҳашарини ўтказиш тўғрисидаги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат телерадио компанияси жамоаси, «Эл» халқаро уюшмаси, Ўзбекистон болалар жамғармаси, «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармаси, республика Ногиронлар жамияти, Қизил Ярим ой жамияти жамоаларининг 1992 йил 21 март куни «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» ҳайрия телемарафонини ўтказиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Меҳнат жамоаларининг «Мустақиллик, тинчлик ва меҳр-шафқат» шиори остида ўтказиладиган умумхалқ хайрия ҳашари ва телемарафонига раҳбарлик қилиш умумхалқ байрами Наврўзга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш комиссиясига юклатилсин. Хайрия тадбирларини ўтказиш юзасидан республика вилоятлари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла кенгашлари, вазирликлар, биржа ва барча турдаги корхона ва ташкилотлар аниқ режа асосида ташкилий ва амалий тадбирларни ишлаб чиқсинлар.

Хайрия ҳашаридан йиғилган ва ишлаб топилган маблағлар «Наврўз» хайрия жамғармасига топширилсин.

3. Шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчат ўтказиш, боғлар яратиш, қабристонларни сарištалаш ишларига алоҳида эътибор берилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги, Давлат банки телемарафон ўтказилаётган пайтда бир кеча-кундуз давомида маблағларни қабул қилиб олиш учун навбатчилик ишларини ташкил этсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Маданият вазирлиги билан биргаликда чет эллик ишбилармонлардан, маданият ходимларидан иборат барча меҳмонларнинг умумхалқ хайрия ишларида, байрамида ва телемарафонда иштирок этишлари учун қулай шарт-шароитлар яратсинлар.

6. Ўзбекистон Давлат телерадио компанияси, Маданият вазирлиги ва Давлат матбуот қўмитаси умумхалқ хайрия ишлари, Наврўз тантаналарини ва телемарафонининг маънавий ва тарбиявий, бадиий жиҳатдан юксак савияда ўтиши учун барча ижодий кучларни сафарбар этсинлар.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири

А. МУТАЛОВ

Тошкент шаҳри.
1992 йил 5 март.

ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

МЕҲР-ШАФҚАТЛИ БЎЛАЙЛИК

Деярли икки ойдирки, Сирдарё вилоятида Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгашининг ташаббуси билан 14 март куни «Меҳр-мурувват куни»ни ўтказишга қизғин тайёргарлик бормоқда. Биз вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Собир Усмоновга ана шу хайрли ташаббуснинг туғилиши, ундан кўзланган мақсад ва тадбирнинг бошқа тафсилотлари тўғрисида гапириб беришни сўраб, мурожаат қилдик.

— Собир Усмонович, хушхабар каби яхши ташаббуснинг ҳам қаноти бўларкан. Ҳозир бутун вилоятда шу гап —шу ташвиш. Унинг қандай бошланғичи ҳақида гапириб берсангиз.

— Бизларнинг бу ташаббусимиз аслида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастурида қўйилган вазифаларидан биридир. Жумладан Дастурда: «Партия ташкилотлари аҳолининг кам даромадли ва энг ночор қисминнинг ижтимоий жиҳатдан ишончли ҳимоя қилинишига эришиш учун ҳаракат қиладилар», деб қайд этилган.

Собиқ Иттифоқнинг барча ҳудудларида бўлаётгани каби бизларда ҳам бозор иқтисодининг катта синовлари бошланиб кетди. Энди аҳолининг кам таъминлаган, ёрдамга муҳтож табақалари ҳақида астойдил ўйлашимиз керак. Ана шу вазифани ўз олдимизга асосий мақсадлардан бири қилиб қўйдик.

Бир ишни бошлагандан сўнг уни кўнгилдагидек қилиб охирига етказиш зарур. Ҳозирги пайтда партиямиз обрўси, омма орасидаги нуфузи учун бу айниқса муҳимдир. Ҳолва деган билан оғиз чучимас, деганларидек, меҳр-шафқат ҳақидаги ишлар ҳам қуруқ гаплар ёки чиройли шиорлар билан битиб кетавермайди. Ҳар қайси ишда бўлгани каби аввало ўзимиз намуна кўрсатишимиз, энг муҳими — бу ишга кенг жамоатчиликни тортмоғимиз лозим.

Партиямизнинг моддий имконияти эса кўпчиликка маълум: бу борада ҳозирча мақтанадиган жойимиз йўқ, аста-секинлик билан энди оёққа туриб келмоқдамиз. Лекин ҳар қандай қийинчилик режалаб қўйган ишимиздан кўнглимизни совутиши ёки шаштимизни қайтариши асло мумкин эмас. Меҳр-мурувват тадбирини албатта ўтказишимиз ва бу орқали одамлар меҳрини қозонишимиз лозим.

Бу масалани биз дастлаб котибият аъзолари ўртасида муҳокама қилдик. Тадбир ҳаммага маъқул келгач, район кенгашларининг биринчи котиблари эътиборига ҳавола этдик. Ҳайрли иш режалари ҳаммага маъқул келди. Шундан сўнг Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши бюроси мажлисида бу масала атрофлича муҳокама қилинди ва вилоятимизда 14 март куни «Меҳр-мурувват куни» ўтказиш ҳақида тегишли қарор қабул қилинди.

Наврўз — халқимизнинг қадимий, севикли байрами. Бу даврга келиб табиатгина эмас, балки одамларимиз қалби ҳам янгиланади, поклана-ди. Катта, хайрли ишларга қўл урилади, кишиларимиз меҳр-мурувватли бўладилар, эски гина-қудуратлар унутилади. Шунинг учун яхши ниятдаги тадбирни ўтказиш учун март ойини танладик.

Иккинчидан эса биз тадбирларимизни айнан Наврўз кунлари эмас, балки ундан деярли бир ҳафта олдин ўтказиб олишни мўлжаллаганмиз. Токи кенг кўламда ўтказиладиган умумхалқ байрами тадбирлари билан бизларнинг ишларимиз бир-бирларига эш-қўш бўлсину, лекин умумий тантаналар ичида йўқ бўлиб кетмасин.

Ниҳоят, учинчидан, биз «Меҳр-мурувват куни»ни ўтказишга тайёргарлик ишларини деярли икки ой илгари, яъни январдан бошладик. Мақсад —иложи борича бу ишнинг омма орасида кенгроқ тарғиб этилишига ҳаракат қилиш ва албатта мададкорлар сафини кенгайтиришдир. Қачонки, ҳамфикрлар, хайрихоҳлар, мададкорлар кўп бўлса — ўша ишнинг якуни ҳам, самараси ҳам салмоқли бўлади.

— «Меҳр-мурувват куни»да аҳолининг қайси қатламини қамраб олиш кўзда тутилянти?

— Биз бу ишни умумий тарзда эмас, балки аниқравшан мақсадлар ва аниқравшан кишиларни кўзлаган ҳолда амалга ошираётирмиз. ХДП аъзолари ўз меҳр-мурувват ишларини асосан халқимизнинг энг ночор, энг ёрдамга муҳтож ва эътиборга интиқ бўлган табақаси — ёлғиз қолган одамлар ва етимхоналарда тарбияланаётганларга бағишлайдилар. Бизнинг мақсадимиз —вилоятимиз меҳнаткашлари, каттаю-кичик аҳолисининг фикр-эътиборларини бугунги кунда ўта оғир аҳолга тушиб қолганларнинг ижтимоий аҳволига қаратишдир. Токи одамлар ёлғиз хонадонлар, болалар уйларида шу кеча-кундузда кимлар ва қандай одамлар борлигини билсинлар, кейин эса қалбларда меҳр-мурувват туйғулари уйғонсин, бугунги оғир ва серташвиш кунларда эътиборга муҳтож кишилар олдида инсон сифатида бурчли ва қарздор эканликларини ҳис этсинлар.

— Жамоатчилик ХДП аъзоларининг бу ташаббусларини қандай қарши олди?

— Ҳозирги кунга келиб, вилоятимизда «Меҳр-мурувват куни» ҳақида гап бўлмаётган бирор жамоа, қишлоқ ёки маҳаллани топиш қийин. Бу тадбирга ўз ҳиссаларини қўшиш истагини билдираётган ташкилотлару жамоалар сони эса кун сайин ортмоқда.

ХДП вилоят кенгашининг қарорига биноан шаҳар ва район кенгашлари, бошланғич партия ташкилотлари қошида «Меҳр-мурувват куни»ни ўтказиш бўйича махсус комиссиялар тузилган. Ана шу комиссияларнинг деярли барчаси самарали ишлаб турибди. Уларнинг биринчи галдаги вазифаси ўз ҳудудларидаги ёрдамга муҳтож ва қаровчисиз қолган ёлғиз кишилар ва болалар уйлари эҳтиёжларини пухта ўрганиб чиқиш бўлса, иккинчидан белгиланган тадбирни пухта ташкил этиш ва муваффақиятли ўтказилишини таъминлашдан иборатдир.

Жойлардаги вазият, ҳолат, аҳвол чуқур синчиклаб ўрганилгандан сўнг шунақа нарсалар маълум бўла бошладики, улардан ҳаяжонга тушмайдиган одамнинг ўзи бўлмаса керак. Мисоллар кўп, улар ўрганилмоқда, жамланмоқда, тегишли хулосалар қилинмоқда. Лекин мен шуларнинг баъзилари устида тўхталиб ўтмоқчиман, холос.

Жумладан, ота-онасиз қолган болалар уйлари, етимхоналарда 11 нафар суннат тўйи ўтказилмаган кичкинтойлар борлиги аниқланди. Худо хоҳласа, ниятларимиз амалга ошса, «Меҳр-мурувват куни»да уларнинг қўлларини ҳалоллаймиз, ота-онасиз қолганликларини асло сездирмаймиз. Токи кичкинтойлар бир кун улғайиб, камол топганларида, беминнат, меҳр-мурувватли кишилар бўлганини, уларга чин кўнгилдан инсонийлик кўрсатганликларини эслаб юрсинлар.

Гулистон районидаги «Октябрь» жамоа хўжалигининг Киров участкасида Алимқул Бердимуродов деган фуқаро яшар экан. Тақдир тақозоси билан эски, ташландиқ ҳовлисида бир ўзи, ҳеч қандай ҳимоясиз, ҳомийсиз қолиб кетган. Уйи ўта ночор ҳолга келиб қолган, унинг на гази бор, на суви. Бу ҳолни вилоят рўзномаси журналистлари аниқлаб, матбуот саҳифасига олиб чиқдилар. Шундан сўнг дарҳол бу кишига ёрдам бериш чоралари кўрила бошланди. Аввало вилоят партия кенгаши ўз мулкидан у кишига телевизор ажратди, бошқа тегишли ташкилотлар ҳаётда кексайган чоғида ёлғизланиб қолган киши уйига газ тушириш, яна бошқа ташкилот уйини таъмирлаб беришни ўз зиммаларига олдилар. Қарабсизки, кўп нарсадан умидини узиб қўйган, ҳаётга қўл силтаган, эзилган одам уйига адолат нури қиё боқди, унинг руҳини кўтарди. Одамлар эса яна бир бор савобни, меҳр-мурувватни эсладилар.

Ёки бошқа яна бир мисол. Комсомол районига қарашли «Ленинград» давлат хўжалигида Шукрулло Матвалиев деган ногирон киши истиқомат қилар экан. Ўзи ғазал ёзишни, классик адиблар асарларини ўқишни яхши кўраркан. Лекин афсуски, у ҳам ўз дардига ўзи кўмилиб қолган, ҳимоясиз одам билан ҳеч кимнинг иши бўлмаган.

«Меҳр-мурувват куни»ни ўтказиш тадбири туфайли бу кишининг ҳам ташвишлари эл оғзига тушди. Вилоят кенгашимиз кутубхона ходимлари, бошқа тегишли идоралар билан ҳамкорликда шеърият мухлиси Ш. Матвалиев учун кичик кутубхона жамғармоқдамиз ва уни белгиланган куни тантанали вазиятда топширамиз. У кишининг бошқа илтимосларини ҳам бажо келтиришга уринамиз.

Юқоридаги каби мисоллар оз эмас. Кўпгина вилоят, шаҳар, район ташкилотларининг раҳбарлари, саноат корхоналарининг бошлиқлари, хўжаликлар, ўқув ҳамда даволаш муассасаларининг раҳбарлари бу борада шахсий намуна кўрсатишмоқда. Вилоятимиздаги энг йирик 27-ота-онасиз болалар уйига Гулистон тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарлари 60 дона кўйлак тикиб олиб бориб бердилар, вилоят электр тармоқлари корхонаси шу жойнинг электр таъминоти муаммоларини тўла ҳал қилиб берди. Гулистон районларо техника таъминоти базаси юк машинаси ҳадя этди, вилоят автотранс агентлиги эса болалар уйи автобусини таъмирлаб беришни мўлжаллаб турибди ва ҳоказолар. Юқорида айтиб ўтганимиздек, бу каби мисоллар оз эмас.

Биз иложи борича вилоятимиз ҳудудидаги шаҳар ва қишлоқларда иститқомат қилаётган, ёрдамга муҳтож бўлган барча кишилар, хонадонлар ва муассасаларни қамраб олишга ҳаракат қилаётирмиз. Бу борада партия ходимларига бошқа жамоатчилар қатори матбуот ходимларининг яқиндан ёрдам бераётганликларини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Айниқса «Сирдарё ҳақиқати», «Гулистон янгиликлари», «Гулистон», «Чўқувар»— «Целинник», «Сирдарё» каби рўзномалар ижодий жамоаларининг бу хайрли ишга сидқидилдан ёндашиб, кўтарилаётган муаммоларни зудлик билан ёритишда, жамоатчилик фикрини бу муаммоларга тортишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Кенг жамоатчиликнинг хайрихоҳлиги, диққат-эътибори ҳамда жонкуярлиги туфайли вилоятимиздаги барча шаҳар ва район банкларида жамғарма фондлари очилди. Бу фондларга икки ойлик давр мобайнида кўплаб ташкилотлардан, фуқаролардан минг-минг сўмлаб пуллар тушди. Биз ана шу маблағни асраб-авайлаб, жойлардаги фаоллар иштирокида ёрдамга муҳтож кишиларга сарфлаймиз, уларнинг оғирини енгил қилишга, хонадонларига хурсандчилик, шодлик, меҳр-мурувват туйғуларини олиб киришга ҳаракат қиламиз. Шу билан бирга ёлғиз ва ночор яшаётган кишиларнинг уйларини имкони борича таъмирлаш, томорқаларини чопиб бериш ва шунга ўхшаш ёрдам ишлари бажарилишини ҳам кўзда тутяпмиз. Зеро, бундай тадбирни ўтказишдан кўзланаётган асосий мақсадлардан бири — одамларнинг бир нарсадан кўнгилларини тўқ қилиш. Ҳатто энг оғир, иқтисодий танглик ҳукм сураётган, бозор иқтисоди туфайли юзага келган қимматчилик давридан қатъи назар, ҳаётда турли сабабларга кўра ожиз, ҳимоясиз, ҳомийсиз қолган кишилар ҳеч қачон ўз ҳолларига ташлаб қўйилмайди. Партия ташкилотлари бу йўлда қўлларидан келган барча чораларни ишга соладилар ва оғир дамларда ана шундай кишилар билан доимо бирга бўладилар. Бу —вилоят партия ташкилотининг қатъий қароридир.

— Собир Усмонович, энди галдаги вазифалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Меҳр-шафқат кунини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ишлардан кўнглимиз тўқ. Уни кутилганидан ҳам аъло якунланишига ишончимиз комил. Олдинда эса — янги вазифалар турибди. Жумладан халқ нойиблари вилоят Кенгашининг навбатдаги сессияларидан бирига вилоятимиз ҳудудидаги йирик, аҳоли зич жойлашган шаҳар, қўрғон, қишлоқларда оқсоқоллар кенгашларини тузиш, улар қошида ҳудудий бошланғич партия ташкилотлари ташкил этиш, эл-юрт оқсоқоллари билан ҳамкорликда партиямиз Дастурида кўтарилган ғояларни ҳаётга татбиқ этишга имкон берадиган масалани тайёрламоқдамиз. Бу иш ҳам ўзининг яхши самараларини бериши керак.

Янги ишларимиздан яна бири — Ғафур Ғулом номли вилоят давлат дорилмуаллими ректорати, бошланғич партия ташкилоти билан ҳамкорликда талабалар учун ҳозирча битта партия стипендиясини таъсис этишга қарор қилдик. Унга лойиқ деб топилган студент 465 сўм миқдорида пул олади. Бу стипендия талабанинг партиямиз Дастури мақсадларини студент-ёшлар ўртасида тарғиб қилиши, ўқишда, шахсий ҳаётдаги намунасига қараб тайинланади, албатта.

Булардан ташқари Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг омма билан алоқасини мустаҳкамлайдиган, жамият ўртасидаги обрўсини ошириб боришга хизмат қиладиган қатор тадбирларни белгилаётирмизки, вақти келганда улар ҳақида бемалол гапириш имкони туғилиб қолар, деб ўйлайман.

— Мазмунли суҳбатингиз учун ташаккур.

А. УМАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

СЕМИНАР-ЙИҒИЛИШ

Аввал хабар берилганидек, Тошкент шаҳрида республикадаги ХДП шаҳар ва район кенгашлари биринчи котибларининг уч кунлик семинар-йиғилиши бўлиб ўтди. Ўзбекистон Халқ демократик партияси таъсис қурултойидан кейин биринчи марта ўтган ана шундай кенг кўламли мулоқотда партия кенгашлари котибларини республика ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги барча янгиликлар билан таништиришга, уларга партия дастурий мақсадлари қай тариқа амалга оширилаётган лиги, партия ички ишларини ташкил қилиш, асосий фаолият йўлларини танлаш, ХДП фаолиятининг амалдаги кўппартиялилик шароитидаги ўзига хос хусусиятлари, партиянинг молиявий аҳволи ҳақида кенг маълумот беришга ҳаракат қилинди.

Семинар йиғилишда республика қўмиталари раислари, иқтисодий комплексларнинг раҳбарлари, етакчи олимлар ва иқтисодчилар иштирокида ижтимоий сиёсий ҳаётда етилган масалалар бўйича қизиқарли суҳбатлар ўтказилди, лекциялар тингланди. Семинар иштирокчилари шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қабул қилган асосий қонунлар, республикада қонунчилик фаолиятининг келажаги тўғрисида, жойларда маъмурий ва бошқарув органларининг партия дастурий мақсадларини амалга ошириш борасида Ўзбекистон ХДП кенгашлари олиб бораётган ишлардаги ҳамкорлик, иш тажрибалари, муаммолар ва ривожланиш йўллари, республиканинг социал-иқтисодий ривожланиши, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш, истеъмол бозорини барқарорлаштириш муаммолари, ислом ва сиёсат мавзуларида ўзларини қизиқтирган барча зарур маълумотларни ҳам олдилар.

Семинар-йиғилишнинг иккинчи кунида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби А. Х. Саидов ва Марказий Кенгаш котиби, Тошкент шаҳар партия кенгашининг биринчи котиби Х. М. Абдураимов Ўзбекистон ХДП фаолиятининг амалдаги кўппартиялилик шароитидаги ўзига хос хусусиятлари, халқ нойиблари кенгашлари ҳамда республикадаги бошқа оммавий-сиёсий кучлар ва ҳаракатлар билан ҳамкорликнинг зарурияти, Ўзбекистон Республикасидаги асосий сиёсий партиялар ва ижтимоий-сиёсий ҳаракатлар, уларнинг ривожланиш тамойиллари ва ижтимоий-иқтисодий, сиёсий вазиятнинг яхшиланишига амалий таъсир қилиш йўллари ҳақида чиқиш қилдилар ҳамда семинар қатнашчиларининг саволларига жавоб бердилар. Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби И. А. Кочмарик ва Марказий Кенгаш ишлар бошқарувчиси Б. С. Ким партиянинг молиявий аҳволи, партия бюджетини ташкил қилишнинг принциплари, Ўзбекистон ХДП шаҳар ва район ташкилотларининг ишлаб чиқариш ва хўжалик фаолиятини ташкил қилишнинг амалий масалалари юзасидан бўлган тажриба алмашинуви айниқса чуқур таассурот қолдирди. Сирдарё вилоят партия кенгаши биринчи котиби С. У. Усмонов ва Чилонзор район партия кенгашининг биринчи котиби Э. Р. Самиғжонов ўзлари раҳбарлик қилаётган партия кенгашларида тўпланган тажрибаларни ўртоқлашдилар.

Семинар-йиғилиш нинг якунловчи кунида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги ва Олий суди раҳбарлари иштирокида «Республикада жиноятчилик вазияти бўйича муаммолар. Партия ташкилотларининг тартиб-интизомни мустаҳкамлашдаги ўрни ва роли» деган мавзуда ўтказилган давра суҳбатида ўзаро фикр алмашилди. ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби М. М. Расулов семинар-йиғилиш ишини якунлади.

Уч кунлик мулоқот пайтида Марказий Кенгаш котибларининг шаҳар ва район партия кенгашлари биринчи котиблари билан учрашувлари ҳам бўлиб ўтди.

Р. ТУРСУНОВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

Қарши районидаги Энгельс номли совхозга қарашли қишлоқ советида ёш хотин-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаш бўйича ўқитиш ташкил қилинди. Бундай ўқувнинг ташаббускорлари бўлган жамоа хотин-қизлар кенгаши фаоллари бригадаларга, маҳаллаларга, хонадонларга тез-тез бориб турадилар. Бундаги ёшлар билан оила, уни жамиятдаги ўрни ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқдалар.

СУРАТДА: совхоз хотин-қизлар кенгаши раиси Бўритош Эргашева фаол аёллардан Саломат Хидирова, Зарифа Обилова ва Ҳидоят Ҳақбердиевалар билан навбатдаги ишлар хусусида маслаҳатлашаётир.

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат.

ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Бухоро («Ўзбекистон овози» мухбири хабар қилади). Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг ўнинчи сессияси бўлиб ўтди. Сессияда вилоят ҳокими ўринбосарлари, котибият бошлиғи, бўлим ва бошқарма бошлиқлари тасдиқланди. Шунингдек, ҳоким котибияти аппаратининг тузилиши ва штат жадвали тўғрисида қарор қабул қилинди.

Ўзбекистон Президенти Фармонига биноан Навоий вилояти тузилгани муносабати билан депутатлар вилоят Кенгаши доимий комиссиялари таркибига тегишли ўзгартишлар киритишди.

Сессияда вилоятда чорвачиликнинг аҳволи, уни янада ривожлантириш ва аҳолини чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлашни яхшилаш масаласи муҳокама этилиб, тегишли қарор қабул қилинди. Яна бир қатор муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилинди.

Сессияда вилоят ҳокими Д. С. Ёдгоров нутқ сўзлади.

Н. НАИМОВ.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши комитетларида

4 март куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши халқаро ишлар ҳамда транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетларининг қўшма мажлиси бўлди. Уни халқаро ишлар комитетининг раиси П. Қ. Ҳабибуллаев олиб борди.

Қўшма мажлисда «Ўзбекистон Республикасининг халқаро фаолияти асослари тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиши муносабати билан халқаро йўлларда юк ташиш ташкилоти ишларининг аҳволи ва унинг чет эл мамлакатлари билан ҳамкорликни ривожлантиришдаги аҳамияти ҳақидаги масала муҳокама қилинди.

Шундан кейин ушбу комитетларнинг алоҳида-алоҳида мажлиси бўлди.

Халқаро ишлар комитетида Ўзбекистон Республикасининг чет эл давлатларидаги дипломатия ваколатхоналари бошлиқлари ва бошқа аъзоларини тайинлаш ҳамда чақириб олиш тартиби ҳақидаги, Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ходимлари учун дипломатия мартабалари ва унвонларини белгилаш тўғрисидаги қонунлар лойиҳалари кўриб чиқилди.

Транспорт, йўл хўжалиги, алоқа ва информатика комитетининг мажлисида эса Ўзбекистон Республикаси темир йўллари тўғрисида қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар тайёрлаш лозимлиги ҳақидаги концепция тўғрисидаги, Ўзбекистон Республикасида «Информатика ва ахборотлаштиришнинг ҳимояланиши тўғрисида» қонун лойиҳаси зарурлиги ҳақидаги концепция тўғрисидаги масала кўриб чиқилди. Мажлисда комитет фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди.

Муҳокама этилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

(ЎзА мухбири).

АЁЛЛАР ШАРАФИГА

4 март куни Ўзбекистон Республикаси Уруш ва меҳнат фахрийлари уюшмаси кенгашида 8 Март байрамига бағишлаб фахрийлар ҳаракати фаоллари бўлган аёллар билан учрашув ўтказилди.

Нотиқлар хотин-қизларнинг уруш йилларида кўрсатган жасорати бутун халқ жасорати сингари авлодлар хотирасидан сира ўчмаслигини таъкидладилар. Ўзбекистон мустақилликка эришган ҳозирги вақтда ҳам аёллар республикамизни гуллаб-яшнатиш йўлида кўп иш қилишмоқда. Улар айниқса ўсиб келаётган авлодни тарбиялаш ишига катта ҳисса қўшишмоқда.

Фахрийлар уюшмаси раёсатининг аъзолари хотин-қизларни яқинлашиб келаётган байрам билан самимий табрикладилар.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг барча хотин-қизларига мурожаат қабул қилинди.

Фахрий аёллар шарафига байрам зиёфати берилди. Зебо Ғаниева номли санъаткорлар дастаси концерт қўйиб берди. **(ЎзА).**

ДУНАЙ БИЛАН СИРДАРЁ ТУТАШМОҚДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

бекистон Республикаси делегациясини табриклаяпмиз.

Куннинг иккинчи ярмида А. Муталов мамлакат парламентига бориб Можористон Президенти Арпад Генц билан суҳбатлашди.

Можористон Деҳқончилик ва қишлоқ хўжалик тадбиркорлари вазирлиги вакиллари билан суҳбат чоғида бу дўст мамлакатда чорвачилик, айниқса, паррандачилик соҳасида қимматли тажриба орттирилганлиги хусусида гап борди. Бу тажриба ҳар жиҳатдан ўрганишга лойиқдир. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш масалаларининг ҳал этилиши ҳам меҳмонларнинг эътиборини тортди. Шу мақсадда қўшма корхоналар қурилиши иқтисодий жиҳатдан манфаатли бўлур эди.

Сафарнинг иккинчи куни Ўзбекистон делегацияси аъзолари Можористон ташқи ишлар вазири Геза Есенски билан суҳбатлашдилар. Икки дўст мамлакат ўртасида дипломатия алоқаларининг ўрнатилиши ўзбек ва можар халқлари манфаатларига, жаҳонда тинчликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Халқаро ҳуқуқ қонун-қоидаларига амал қилиб, иккала давлат пойтахтларида элчихоналар очишга қарор қилинди ва шу ҳақдаги протокол имзоланди.

Геза Есенски Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбирининг саволига жавоб бериб, «Сизнинг республикангиз билан илгари ҳам алоқалар бўлган эди, аммо бугун имзоланаётган ҳужжатлар дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлайди, чунки биз эндиликда мустақил, ўзининг тараққиёт йўлларини белгилаётган, бой ресурсларга эга бўлган Ўзбекистон билан дипломатия алоқалари ўрнатмоқдамиз», деди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А. Муталов билан Можористон Республикаси Бош вазири Йожеф Анталлнинг учрашуви шу кунги асосий воқеалардан бири бўлди. Ўзаро ҳурмат ва самимийлик вазиятида ўтган суҳбат вақтида иккала давлат манфаатлари йўлида ҳал этилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди. Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси билан Можористон Республикаси ўртасида давлатлараро муносабатларнинг асослари тўғрисидаги Шартнома имзоланди.

Аҳдлашувга мувофиқ Ўзбекистон Можористонга пахта толаси, трактор, мева-сабзавот ва бошқа маҳсулотлар етказиб беради. Можористондан эса буғдой, гўшт, қанд-шакар, болалар овқати олинади. Дўст мамлакат «Икарус» автобуслари ва уларнинг эҳтиёт қисмларини, дори-дармон ва бошқа буюмларни ҳам етказиб беради.

Бош вазир А. Муталов маҳаллий ва чет эл мухбирлари билан учрашди.

Шундан кейин делегация аъзолари «Икарус» автомобиль заводида бўлиб, автобус ва троллейбусларнинг янги нусхаларини кўздан кечирдилар.

Будапешт шаҳри аҳолиси Ўзбекистонлик меҳмонларнинг Можористонда бўлиши билан боғлиқ воқеаларни қизиқиш билан кузатиб борди. Жумҳурият телевидениеси ва «Непсабадшаг» рўзномаси шу ҳақда хабарлар эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси ҳукумат делегацияси 4 март куни Тошкентга қайтиб келди.

Пўлат НИШОНОВ,
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг махсус мухбири.
Тошкент — Будапешт — Тошкент.

• Буюк тарихий воқеадан руҳланган, ғурурга тўлган қалблар садоси

ОЙДИН ЙЎЛ

Ўзбекистон деб аталмиш республикамиз ҳаётида янги ва ёрқин саҳифа очилди. Куни кеча республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиб кирди.

Яқин-яқингинада биз бу кунни афсона деб ўйлардик.

Олис қитъаларнинг ғоят кичик мамлакатлари ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб, улар учун муқаддас саналган байроқлари ана шу мўътабар ташкилотда мамлакатлар байроқлари орасида ҳилпираб турганида биз...

Бизларнинг бошимиз эгик эди.

Тилимиз лол эди.

Мустақилмиз деб кўксимизга мардонавор урар эдигу аслида...

Аслида бўйнимизга кўринмас занжир солинган эди. Биз мана шу занжирни кўришни истамасдик. Мана шу қарамлик, мутеълик ЛОҚАЙДЛИК касаллигига йўлиқтирди.

Ҳурмиз, ошиғимиз олчи деб ўйлардик. Ана шу олчи келган ошиғимизни ҳам ўзимизга раво кўрилмасди.

Ўз бойлигимиз, ҳазинамиз калитини ўзгаларга тутқазиб, ташиб кетилган бойликдан садақа сўраш учун минг бор қуллуқ қилардик.

Устига устак, фарзандларимизга аталган сўнгги насибани ҳам ич-ичдан зил кетиб меҳмондўстлик ҳурмати ўша.. Ўша бизни ҳар томонлама қишанлаган улуғларга тутқазардик.

Барибир калтак бошимизда синаверади.

Ҳа, биз ўз йўлидан адашиб юрган карвонга ўхшардик.

Шу ўринда бир воқеани эслолмай ўтолмайман. Бундан бир неча йил муқаддам дадамнинг миқти қомати, қисиқ кўзларига боқа туриб, бехосдан «Ленинга жа-а ўхшаб кетасиз-а», дегандим. Дадам эса ўз навбатида, «қўй, кофирга ўхшатма мени», деб жавоб берган эди. Бугун, орадан сал кам йигирма йил ўтказиб гўри нурга тўлгур дадажонимнинг, уч-тўрт синф ўқиб ҳарфларни аранг таниган дадажонимнинг жавобини ўйласам, олий мактабни имтиёзли битирган ва олий маълумотлиман дея кўксимга уришдан нарига ўтмайдиган мендек фарзанднинг бағоят афтодаҳол ва чаласавод эканлигимни ҳис этаман. Нега ўша пайтда шу калима келди экан?! Ленин нурдек соф кўринармиди?! Ёдимизга унинг ғояси сингдириб юборилганмиди?! Йўқ, йўқ, сингдирган дейилса кам туюлар, юрагимиздан силқиб вужудимизга таралган қоннинг ўзи ҳам ана шу ғоядан иборат эди.

Ушбу ғоя қачон пайдо бўлди? Нечун биз етмиш тўрт йил мобайнида ўз уйимизда, заминимизда, қишлоғимизда бўлаётган ҳаққоний ишларни кўриб кўрмасликка ўргатдилар. Ўзимизнинг фарзандларимизнинг қўйнини пуч ёнғоққа тўлдирдилар. Шу боис китобларимиз саҳифалари ёлғон тарихдан, кўр-кўрона воқеалардан беҳад семириб кетди.

Йўқ, бизнинг ўз тарихимиз бор эди.

Аҳмад Фарғоний, Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Ал-Бухорий, Ат-Термизий, Алишер Навоий, Улуғбек, Бобур... Буюк алломаларнинг ўлмас меросларини ҳар биримизга мунтазир эди.

Қадриятларимиз мўл, меросимиз бой эди. Ана шу қадриятлар, бой меросимизни ўрганишда ҳам ўзгалардан рухсат олардик.

Мана энди...

Энди ҳаммаси барҳам топмоқда.

Кўринмас, «тилла» занжирлар чок-чокидан сўкилди.

Республикамиз истиқлол сари дадил қадам отяпти.

Энди эса юздан ортиқ мамлакат республикамизни расман тан олди.

Мана улар: Австралия, Австрия, Албания, Америка, Аргентина, Бразилия, Германия, Замбия, Индонезия, Ирландия, Испания, Канада, Куба, Покистон, Саудия Арабистони, Хитой, Франция, Шри Ланка, Эрон, Ҳиндистон, Эфиопия, Ямайка, Уқраина...

Қайси бирини яна таъкидласам экан. Улар кўп. Республикамизни тан олган мамлакатлар сони тобора ортиб боряпти.

БУГУН эса Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биноси олдидаги байроқлар орасида Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳилпираб турибди.

Бу не бахтки, мустақиллик бизларга насиб этди.

Бу не бахтки, Республикамиз Бирлашган Миллатлар Ташкилотига аъзо бўлиш оларини кўриб, минг бор севиниб турибмиз. Ана шу мўътабар минбардан республикамиз ташқи ишлар вазири Убайдулла Абдураззоқовнинг меҳр ва фахр тўла сўзлари янгради.

Бу не бахтки, бундай сурурли онлар ҳар куни рўй бермоқда. Халқимиз, Президентимиз номига табрик ва қутловлар тинимсиз келиб турибди.

Бу ҳар биримизни янги-янги зафарларга ундамоқда.

Омон бўл, йўлларинг ойдин бўлсин, азиз ва озод республикам!

Мирза КАРИМ.

• 21 март — Наврўз байрами

УМУМХАЛҚ ШОДИЁНАСИГА

Яқинда Наврўз умумхалқ байрамини ўтказиш республика ташкилий комитетининг навбатдаги йиғилиши бўлди. Уни шу комитет раиси, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Самандаров олиб борди.

Йиғилишда Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд, Жиззах вилоятларида умумхалқ байрамига тайёргарликнинг бориши тўғрисидаги ҳисоботлар тингланди.

Сурхондарё вилоятида ҳозир ободончилик ойлиги ўтмоқда. Фахрийлар кенгаши билан бирга боқувчисиз қарияларга 15 минг сўмлик совға тайёрланмоқда. 300 та кўп болали, муҳтож оилалар ун ва гуруч билан таъминланяпти. Қашқадарё вилоятида Наврўз ҳайрия жамғармаси тузилди. Унга тушаётган маблағ ногиронларга, муҳтож кишиларга сарфланади. Қашқадарёликлар бу йилги байрамни ҳам қўшни Туркманистон ва Тожикистондан ташриф буюрадиган меҳмонлар билан бирга нишонлайдилар. Самарқанд вилоятида умумхалқ байрами тадбирларини тайёрлаш ва ўтказиш ишлари билан бешта ишчи гуруҳи шуғулланмоқда. Вилоят ёшлар комитети 14 март куни Наврўзга атаб шанбалик ўтказишга қарор қилди. Байрам куни узлуксиз телекўрсатув намойиш қилинади. Тантаналарда 67 та етук ва ҳаваскорлик жамоалари иштирок этади. Жиззах вилоятида ўтган йилги тажрибалар асосида Наврўзни чинакам умумхалқ шодиёнасига айлантиришга ҳаракат қилинмоқда.

Комитет йиғилишида «Меҳр-шафқат ва саломатлик» жамғармасининг раиси Ш. Хўжаев вилоятларда тақсимлаш учун 600 минг сўмлик кийим-бош тўпланганини, Қизил ярим ой жамияти раиси Ў. Воҳидова 14—20 март кунлари республикада Саломатлик ҳафталиги ўтказилишини маълум қилдилар.

Йиғилишда белгиланган барча тадбирлар изчиллик билан амалга оширилиши кераклиги алоҳида таъкидланди.

(ЎзА).

НАВБАҲОР ЮМУШЛАРИ

Сирдарёликлар ҳам умумхалқ байрами — Наврўзга тайёргарлик ишларини қизғин бошлаб юбордилар. Вилоят ҳокими Б. Маҳмудов қарори билан 20 февралдан 20 апрелга қадар шаҳарлар, район марказлари ва қишлоқларни ободонлаштириш, «кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтказиладиган бўлди.

Бу тадбир Наврўз байрами «узугига» кўз қўйгандек бўлди. Зеро, ободонлаштириш, борлиқни покизалаш, саранжом-саришталик Наврўзга хос анъанадир.

Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойлиги бу сафар аввалгилардан фарқ қилади. Биринчидан бундай савобли ишдан ҳеч бир идора-ю, ҳеч бир раҳбар четда қолмайди. Бунинг устига ҳар қайси идора, жамоат, қолаверса, ҳар бир масъул ўртоқнинг вазифалари аниқ белгиланган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда қўриқ воҳанинг барча корхоналари, шаҳар ва район марказлари, ўқувтаълим даргоҳлари , қишлоқ аҳли — умуман вилоятнинг барча аҳолиси иштирок этади. Ўзига хос мусобақалар уюштирилади. Ғолибларни эса катта мукофотлар кутмоқда. Қишлоқ ва ҳовли мусобақалари ўтказилади.

Ободонлаштириш ишларининг ўзига ҳослиги шуки, аҳоли гавжум бўлган марказларга ифлос, лойга беланган машиналар киритилмайди. Шу мақсадларда шаҳарга кираверишда машина ювиш жойлари ташкил этилмоқда.

Вилоятнинг барча шаҳар ва қишлоқларида умумхалқ байрами Наврўзни шоду хуррамлик, фаоллик билан нишонлаш учун ишлар авж олдирилмоқда. Гулистон ва Янгиер шаҳарларида ўтказилган хашарларда меҳнат жамоалари ва шаҳарликлар қатнашди. Гулистон, Янгиер, Сирдарё шаҳарларида бугунгача уч минг тупдан зиёд кўчат ўтқазилди. Бундай ишлар кун сайин авж олаётир. Наврўз барча хонадонларга шодлик ва янгилик, баҳор ва севинч туйғуларини олиб кираётир.

«Ўзбекистон овози» мухбири.

НАЗАРМАТ

НАВРЎЗИНГ МУБОРАК!

Наврўзи оламда жами жонивор
Кўксин очар она замина. Баҳор!
Ердан унib чиқар порлаб бинафша,
Бодроғин қовирар дарахтлар шоша.
Қушлар қидиради осойиш ошён,
Артиниб ярқирар заҳтори осмон.
Бу гўзал табиат, бу гўзал ҳаёт,
Бу гўзал муҳаббат, ёзар кенг қанот.
Келиб оби раҳмат, аста том чертар,
Қиру адирларга гулобин эптар.
Тоғлар уйғонади, йўллари эилол,
Шивирлаб Наврўзни табриклар ниҳол.
Варракин чорлайди баҳор еллари,
Қизлар кифтин қучар тол кокиллари.
Далага қўш чиқар, қадим одат бу.
Дилларда кезади фараҳбахш ёғду.
Наврўз келур, элнинг Наврўзи чоғи,
Унда порлар мустақиллик байроғи.
Мовий зарҳалида юлдузлар жами,
Ёркин уфқларда ҳилол қадами.
Узгача руҳ кезар она диёрда,
Яшил гилам ёзар замин баҳорда.
Бу гилам ризқу-рўз, элим хирмони,
Соҳибкор мардларнинг тилак, армони.
Элда кезар баҳор очиб қучоғин,
Илиқ нафас қучар замин тупроғин.
Бор бўлсин сахий эл, шу она тупроғи,
Меҳридан гул унар, ранг олар япроқ.
Кўркингга кўрк қўшар унган ҳар чаман,
Наврўзинг муборак, эй, она Ватан!

ОҚЛОВ

БИР ОҒИЗ СЎЗ

Биласиз, халқимизнинг «Таёқ зарбидан айиқ ҳам мулла бўлади» деган ҳикматли гапи бор. Шўро тузумида тергов беҳад ноқонуний ва зўравонлик билан, ваҳшийлик ва жаллодлик, ҳар хил жисмоний ва руҳий таъсир кўрсатиш, уриш ва калтаклаш, ашаддий жиноятчилар қўлига топшириб қўйиш, ҳафта-ўн кунлаб оч сақлаш, бир неча кунлаб тикка турғизиб қўйиш сингари усуллар билан кўпларни «мулла» қилиб келинганлиги бугун аниқ-равшан бўлди. Собиқ СССРнинг собиқ Иттифоқ Прокуратураси жаллодлари — Гдлян ва Иванов бошлиқ терговчилар гуруҳи жумҳуриятимизда бир неча йил давомида олиб борган ўзбошимчаликлар, ноҳақликлар, қама-қамашлар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жабр-зулмлар, жондан тўйдириб хўрлашларнинг энди қийиғи чиқмоқда.

Гдлян гуруҳининг мудҳиш жазолаш усули шундай бир исканжа эдики, унда элда азиз ва ардоқли, ишбилармон раҳбарлар, тадбиркор, ишчан, тажрибали кишилар, уларнинг оилалари-ю, фарзандлари, қариндош-уруғлари-ю, дўсту-биродарлари ҳам бу исканжадан қочиб қутулолмадилар...

«Ойнинг ўн беши қоронғу бўлса, ўн беши ёруғ» экан. Адолат тантана қилиб, жонажон миллатимиз юзига собиқ «марказ» — томонидан тортилган қора чиммат чок-чокидан йиртиб ташланди. «Пахта иши», «Ўзбеклар иши» деб аталган бўҳтон тошлари жабрдийда эл қаҳрига учраб, чилчил синди. Мустақил Ўзбекистонимизнинг жасоратли, мард ва жонкуяр Президенти Ислом Каримовнинг махсус Фармонига биноан сохтакор «Пахта иши» билан қамалганларнинг ҳаммаси ҳақиқат қарор топиб, озодликка чиқарилди.

Биз рўзномамизда собиқ СССР Бош прокуратурасининг масъул ходими Виктор Илюхиннинг одил нуқтаи назари билан ёзилган «Риёкорлар» китобидан парчалар эълон қилдик. Кўриб турибсизки, Гдлян ва Ивановнинг қилмишлари юз чандон. Улар республикамиздаги кўплаб бегуноҳ кишиларни ноҳақ таҳқирлаганликлари маълум бўлиб қолди. Ашаддий қонунбузарлар, ноҳақ таҳқирланган умрлар тўғрисидаги ҳикоямизни давом эттиришга қарор қилдик. Зеро, бу келгусида ҳамма учун сабоқ бўлиб қолса, «Ўзбеклар иши» деб тўқилган афсонага хотима қўйса ажаб эмас.

ТАҲҚИРЛАНГАН УМРЛАР

ЕКИ АШАДДИЙ ҚОНУНБУЗАР ГДЛЯН ВА ИВАНОВЛАР ИСКАНЖАСИДА БЕАЙБ ХЎРЛАНГАНЛАР ХУСУСИДА

Гдлян исканжасида ноҳақ жабрланган неча минглаб эл-дошларимиздан бири қорақалпоқ элининг содиқ ва элда ардоқли ўғлони Олимбой Примовдир.

... Ў дастлаб 1985 йилдан бошлаб, ўша пайтда Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи котиби лавозимида ишлаётган, унгача Кремлнинг сабоғию топшириғини олган Қақимбек Саликовнинг зуғумига учрай бошлаганди. Саликов унинг тирноғи остидан кир ахтарди, тополмагач, Элликқалъа район партия комитети ва район Кенгаши ижроия комитети биноси қурилишида ортиқча сарф-харажатларга йўл қўйган, Ш. Р. Рашидов қазо қилганида дафн маросими учун катта миқдорда пул тўплаган, дея асоссиз ва мутлақо уйдирма баҳона билан район партия қўмитасининг биринчи котиби вазифасидан четлаштирилишига, партиядан ўчирилиб, бу борадаги қарор (Олимбой Примов Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аъзолиги боис) Марказқўм бюроси йиғилишида тасдиқланишига эришди. Олимбой котибликдан олинган, Беруний номли шўро хўжалигига директор қилиб тайинланган эди. Унинг тадбиркор ва ишбилармонлиги туфайли совхоз қисқа вақт ичида юксалиш сари юз тутди, ҳудудда биринчилар қатори ижара пудрати жорий этилиб, ерга чинакам деҳқон эгалигининг самараси аниқ-равшан намоён бўлаётганлиги, тўғрироғи, ўзи «уриб» юборган одамнинг янги вазифадаги ютуғи, совхоз аҳлининг унга меҳр-муҳаббати ва ишончи обком саркотибига тағин ёқмай қолди. Бу пайтда Гдлян гуруҳи ташлаган тўр Қорақалпоғистонни ҳам қамраб олаётган бўлиб, деярлик барча район партия комитетларининг биринчи котиблари бирин-кетин ишдан олиниб, «ёшулкан» ҳамда мухтор жумҳурият прокуратурасидаги ўрис қонунбузарлари кўрсатмаси билан Гдлян тўрига илинтирила бошланган эди. Яна бир очиқ ҳақиқат: ғаразгўй Қ. Саликов ўзидан олдин Қорақалпоғистон область партия комитетига чорак асрдан кўпроқ вақт давомида биринчи котиблик қилган, таъбир жоиз бўлса, ўз миллати ва ҳудудида яшаётган бошқа эл-элатларнинг ҳурматли кишисига айланиб қолган Қаллибек Камолов ва унинг барча шогирдлари, яқин кишиларини сафдан чиқариш учун «марказ» юборган терговчилар гуруҳига астойдил таянган ҳам эди. Олимбой совхоз директорлигидан ҳам олиниб, Беруний район агросаноат бирлашмасига инженерлик ишига юборилди. Гдлян ва Ивановчилар уни шу ерда ишлаб юрганида қамоққа олишди...

Унга қўйилган айб оғир ва пировардида гдлянчилар ҳибсга олган деярли барча раҳбар шахсларга нисбатан қўлланилган айбнома бўлиб, Ўзбекистон Жиноят Кодекси 152-моддасининг 2, 153-моддасининг 2, РСФСР Жиноят Кодекси 173-моддасининг ҳам 2-қисмидан иборат бўлди. Ана шунга асосан О. Примовга 1969-1977 йилларда «Ўзсельхозтехника»нинг Қорақалпоғистон бўлимасида ранси, 1977-1985 йиллар давомида эса Элликқалъа район партия комитетининг биринчи секретари лавозимларида ишлаган пайтида вазифасидан ғаразли мақсадларда фойдаланди, хизмат юзасидан ёрдам кўрсатиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда ҳомийлик қилиш учун ўз раҳбарлиги остидаги шахсларнинг 39 нафаридан 89 марта пора олди, дея эълон қилинган туҳматдан иборат айблов тамоман уйдирма ва ноҳақ эканлиги исботлангунга қадар, у 1986 йилнинг 25 ноябридан 1990 йилнинг 10 августигача қамоқда — исканжада сақланди. Ана шу давр ичида қанчаданқанча қариндош-уруғлари, бирга ишлаган ҳамкасблари, ёр-биродарлари Гдлян ва Ивановчилар қўлларида таҳқирланиб, не-не озорларга, жисмоний хўрланишларга, чидаб бўлғусиз қийноқларга гирифтор этилганини билсангиз эди...

ган қора кунларни Олимбойнинг умр йўлдоши Ҳадича Камолова. — Ҳатто, норасида фарзандларимни ҳам аяб ўтиришмади-я, уйинг куйгур номардлар. Уларнинг нуқул билгани шу: — «Айт, бошқа пулларни, тилла-кумуш тақинчоқларни яна қаерга қўйгансанлар? Агар сенга эринг керак бўлса, миллионни олиб чиқ. Акс ҳолда, эринг отилади, қолган қариндош, уруғларинг қамоқда чиririди. Ҳайрият, ҳақиқат бор экан, туҳматлар, бўхтонлар чиппакка чиқди. Бизга ҳам, эримга ҳам ёруғ кунларни кўриш насиб этди...

Олимбой Примовнинг «жиноят» ишини дастлаб Фарғона вилоят суди 1990 йилнинг 17 мартидан 10 августигача бўлган давр ичида синчиклаб ўрганиб, унга қўйилган айбларнинг асоссизлигини очиб ташлади. Аммо айрим гувоҳлар қаттиқ бетоблиги, айримлари эса жумҳурият ҳудудидан ташқарида эканлигини ҳисобга олиб, қисман оқлаган ва озодликка чиқарган эди. Ўзбекистон Олий судининг жиноят ишлари бўйича судлов коллегияси Примов ишининг давомини кўриб чиқишни Хоразм вилоят судига топширди. Вилоят суди раисининг ўринбосари, тажрибали адлия ходими Ҳайитбой Жуманиёзов бошчилигида фаолият кўрсатган суд ҳайъати жиноят ишининг ҳал қилинмай қолган айблов эпизодларини қайта кўриб чиқди, уларни ҳар томонлама заргарона чуқур текшириб, тергов давомида ҳамда суд жараёнида тўпланган далилларга тўғри баҳо бериб, О. Примовга қўйилган барча айблар мутлақо уйдирма ва бўҳтонлардан иборат бўлганлигини аниқлади. Уни бутунлай оқлаш лозим, деган хулосага келди. Бинобарин, суд шу йил 17 январь куни очиқ эълон қилган ҳукмда тергов органи томонидан Олимбой Примовга қўйилган барча айблар бўйича жиноят мутлақо содир қилинмаган деб топилди, суд олдидан бутунлай оқланиб, унга нисбатан белгиланган эҳтиёт чораси бекор этилганлиги таъкидлаб ўтилди. Тергов даврида О. Примов ва унинг қариндош-уруғларидан, «иш»га жалб этилган кишилардан тортиб олинган катта миқдордаги пул, уч фойизли ички ютуқ заёмлари ва қимматбаҳо тақинчоқларни 40 процент компенсацияси билан ундириб олиш ҳақида ҳам ҳукм чиқарилди. Бу адолатли ҳукмдан Элликқалъа районининг барча чўлқуварлари, аҳолиси ғоят миннатдор бўлдилар.

Минг шукурки, «Пахта иши» деб аталган сохта, аслида содир этилмаган жиноят учун қамалган юртдошларимизнинг ҳаммаси озодликка чиқди, юзи қаролик эса гдлянчилар ва уларнинг тумашталарига қолди. Аммо...

Эркин МАДРАҲИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ИЛТИМОСИМ ШУКИ...

Мен онгли ҳаётимнинг 25 йилдан ортиқ даврини халқ ишига бағишладим. Республика раҳбарияти қаерга бориб ишла деса, шу ерда халқимиз учун жон куйдирдим. Бироқ бошимга туҳмат балоси ёғилди. Эссиз шунча умрим, кучим бекор кетди...

Лекин бошим узра офтоб нури чарақлаганидан ҳурсанд-ман. Республикамизга мард, қалби жасоратга тўла бир инсон — Ислом Каримов Президент бўлганидан шодман. У кишининг жасорати ва матонати билан сохтакор «Пахта иши»га нуқта қўйилди. Жабр кўрган 26 минг оила рўшнолик кўрди...

Мустақил, ҳур республикамнинг Президенти биз каби бегуноҳ қамалганларни авф этди. Ҳурсандчиликдан сўз топиб айтиш қийин: Президентимизнинг «Отасига раҳмат!» Мен халқим учун умримнинг охиригача ҳалол меҳнат қилишга, қўлимдан келгунча яхшилик қилишга, мустақил республикамизнинг гуллаб-яшнаши учун бор кучимни аямасдан хизмат қилишга тайёрман. Фурсатдан фойдаланиб, барча соф виждонли кишиларни, соғлом кучларни мустақилликни мустаҳкамлашда Президентимизга кўмаклашишга даъват этаман.

Олимбой ПРИМОВ.

ХОТИМА ЎРНИДА

Яқинда «Советская Каракалпакия» рўзномаси (24 январь 1992 йил сонида) В. Троцкийнинг «Признан невиновним» деган мақоласини чоп этди. Орадан бир мунча ўтгач, яъни 6 февраль 1992 йил сонида «Правда Востока» рўзномаси «Секретарь сидел, а зарплата шла» деган кичкина хабарни босди. Бироқ бу хабарларда мусодара қилинган пул ва қимматбаҳо қоғозларнинг ҳаммаси О. Примовга тегишли деб нотўғри кўрсатилган эди.

Лекин Хоразм область судининг бизга берган маълумотига қараганда, аҳвол мутлақо бошқача бўлган. Фарғона вилоят суди Примовга эълон қилинган айбнинг «197000 сўм пора олди деган қисмини бекор қилиб, шу ҳукм билан Примовни 11400 сўм пора олганликда айбдор деб топган ва «Примовнинг пора берди» деган айб қисмини қўшимча терговга қайтарган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раёсати О. Примов ҳақида чиқарилган оқлов ҳукмини ўзгаришсиз қолдириб, унинг айблаш қисмини янгитдан кўришга юборган. Хоразм вилоят суди эса Примовнинг «11400 сўм пора олган» ва «21000 сўм пора берган» деган айб қисмини қайта кўриб чиқди. Суд далилларни чуқур текширди. Жиноят иши тергови собиқ СССР прокуратурасининг Гдлян бошчилигидаги тергов гуруҳи томонидан ғайри-қонуний усуллар билан олиб борилганини аниқлаб, Примов ҳақидаги жиноят иши бўйича тўпланган далилларнинг биронтаси ҳам исботланмади ва Примовни оқлаш керак, деган хулосага келди.

Аслида тергов органи Примовнинг уйидан ҳеч қандай пул ёки бойлик топа олмагач, асоссиз равишда унинг рафиқаси Хадича Камоловани қамоққа олиб, пул топиб берасан, деб азоблаган. Ўн кун қамоқда сақлаб, пул келтириш шарти билан қўйиб юборганлар. Натижада Камолова ўзининг қариндошлари ва танишларидан 163000 сўм пул қарз олиб тергов органига келтириб берган. Бу шахслардан олинган пуллар «Примовнинг пули» деб расмийлаштирилган.

Хоразм вилоят суди Примов ҳақидаги жиноят ишини кўрганда фуқаролик даъвогарлари сифатида ишда қатнашган қариндош-уруғлари ва танишларининг даъвосини ҳам ҳал қилди. Примовнинг рафиқаси қарзга олган пуллар эгаларига қайтариб берилди. Судда Примовнинг турмуш ўртоғи Хадича Камолова ва бир қанча гувоҳларнинг кўрсатмалари билан Хадича Камоловадан олинган 163000 сўм пулнинг фақат 17000 сўм қисми Примов оиласига тегишли экани аниқланди. Вилоят судининг 1992 йилнинг 17 январдаги ҳукми қонуний кучга кирди. Бу ҳукм мустақил Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилди.

Шундай қилиб, талончи Гдлян ва ивановчилар бошлаган, ўзбек халқини бутунлай ёмон отлиққа чиқаришга қаратилган нопок ва жирканч айблов ишлари истиқлол туфайли барбод бўлди, уни бошлаган харомхўр, қўли қиғир, дили ва юраги қора терговчилар гуруҳининг, уларни рағбатлантириб турган «марказ»нинг шармандаси чиқди. Эндиликда халқ Гдлян ва унинг гуруҳини жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилаяпти. Шу ўринда ҳақли яна бир савол туғилади: ўша қонунбузар, инсон ҳуқуқларини поймол қилган гуруҳга ўзимизнинг прокуратура ва милиция органларидан жалб этилган, гдлянчиларга сидқидилдан ёрдам берган, юзлаб бегуноҳ кишиларимизнинг таҳқирланишида иштирок этган, айрим айбсизларни «сақлаб қолишга кўмаклашиш» бахонасида ҳадсиз бойликлар орттирган терговчилар қилмишлари учун жазоланмай, сувдан қуруқ чиқиб қолишаверадими? Ахир, улар ўзларининг кўзи олдида хўрланганларнинг юзига беҳрайиб, истеҳзоли қараб юришаверадими?

Тўхтамурод ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» рўзномасининг ижтимоий адолат бўлими мудири.

• ҲАРАКАТДА - БАРАКАТ •

ЭСКИСИ ЯНГИСИНИ АСРАР

— Эшитдингизми, Мамасодиқ 90 минг сўм даромад қилибди?

— Ўриновни айтяпсиз-да, хабарим бор, — деди шерги. — Азаматлар оиласи билан яхши ишлашди.

— Тўғри айтяпсиз, — ҳамроҳининг гапини қувватлади ёнидагиси. — Лекин олма пудратининг яхши томони шуки, барака бир жойда бўларкан. Сеники, меникидеган гап бўлмайди. Ўзимиз кўриб, билиб турибмиз.

— Пулдан ташқари, даромадининг ҳар бир сўми ҳисобига 700 граммдан тенкинга шоли ҳам беришибди. Буям олти тоннадан ошади. Пулга чақсак 60—70 мингга боради. Ишлайман деганга пудрат қудрат экан.

Ушбу гапларни бенхтиёр Ўрта Чирчиқ районидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалиги идораси олдида эшитдик.

— Тўғри, — дея эшитганларимизни тасдиқлашди жамоа хўжалиги ҳисобчилари. — Ўринов бошлиқ оила меҳнатига яраша ҳақ олди. Исмат Душаев, Сайдулла Убайдуллаевлар етакчи бўлган оилавий пудратчилар ҳам топширган пахталарига қараб 52 минг сўмдан 70 минг сўмгача пул олдилар. Уларга ҳам текинга шоли берилди.

Шу ўринда бироз чекиниш қилиб, фактларга мурожаат қилайлик. Жамоа жами 8,5 миллион сўм даромад кўрган. Шунинг 5,5 миллион сўми ишловчиларга тарқатилди. Асосий кирим эса пахтадан бўлди. Гўшт, сут, тухум топшириш режалари бажарилган бўлса ҳам хўжалик чорвадан зарар кўрди. Сабаби етиштирилаётган маҳсулотларнинг таннархи қимматга тушганлигида. 1991 йилда тирик вазнда гўштга топширилган қорамолнинг ҳар килограмми беш сўмдан сотилди. Устига-устак емнинг нархи ҳам юқорилаганлиги ортиқча харажат бўлди. Бугунги кунда айнан ана шу соҳани фойдали тармоққа айлантириш чоралари кўрилмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, хўжаликнинг ўзида чорвачиликни ривожлантириш учун имкониятлар етарли бўлиб, гап ундан тадбиркорлик билан фойдаланишда қолган. Бу йўлда дастлабки қадамлар ташланяпти. Омухта ем цехи қурилмоқда. Хўжалик фермасида 70 бош қорамол бўрдоқига боқиляпти. Семизлиги яхши бўлган 35 бош қорамолни бугун-эрта гўштга топшириш мўлжалланяпти.

— Жамоада умуман қайси соҳа билан шуғулланишни маъқул кўришяпти? — Шу савол билан раис Т. Ориповга юзландик.

— Пахтачиликни афзал билишяпти, — деди у. — Келаётган даромадимиз асосан шу тармоқдан бўлаётганлиги сабаб деҳқонларимиз пахта етиштириш билан шуғулланишмоқда. Биргина ўтган йили шу соҳадан олти миллион 800 минг сўм кирим қилинганлиги фикримнинг далили бўла олади. Ўрни келганда айтишим керак, полиз маҳсулотлари етиштириш учун одамларимизда хоҳиш йўқ. Чунки, пишиб етилган маҳсулотларни ўз вақтида қабул пунктларига топширолмай сарсон бўлмоқдалар. Помидор ва бошқа полиз маҳсулотлари навбат кутиб ириб-чириб кетаётганлиги туфайли ҳар йили ёзда не умидлар билан қилинган меҳнат самарасиз кетаётир. Пахта эса ундай эмас. Теріб пунктга топширилса, бас.

— Пахтага тўланаётган ҳақ сизларни қониқтираяптими?

— Очиғини айтсам, йўқ. Бозор иқтисодиёти шароитида 8,5 миллион сўм пул билан жамоани боқиш қийин. Шу йил бошидан техниканинг, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғининг нархи ўн-ўн беш бароварга қимматлашиб кетди. Бир мисол. 1991 йил ёнилғи-мойлаш материалларига 500 минг сўм атрофида харажат қилинган бўлса, бу йил шу нарсаларнинг ўзига икки миллион 200 минг сўм сарфлаймиз. Шунинг учун пахта толасининг харид нархини ҳам ошириш ҳақида ўйлаб кўриш керак. Шундагина пахтакор меҳнатига яраша ҳақ олади.

Раис бекорга куюнаётгани йўқ. Уни тушунса бўлади. Кассадаги пулни ишловчиларга берадими ёки миллионлар техникани сотиб олишга сарфланадими?

— Шунинг учун бу йил биронта ҳам техника олмаймиз, — дея гапини давом эттирди у. — Борини авайлаб ишлатишга ҳаракат қиламиз. Қолаверса, ўтган, йил арзонроқ баҳода трактор ва бошқа қишлоқ хўжалиги машиналари сотиб олганлигимиз яхши бўлган экан. Энди фақат эҳтиёт қисмлар келтирамиз. Эскиси янгисини асрайди дейишади-ку.

Раснинг гапига қуйидагиларни қўшимча қилиш мумкин. Деҳқонлар айни кунларда кўкламги дала ишларига пухта тараддуд кўришмоқда. Мавжуд техника воситалари созланиб, экиш мавсумига тахт қилиб қўйилаётир. Бугунги кунда меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш асосий вазифалардан ҳисобланади. Шу мақсадда хўжалик аҳолиси учун 100 тонна буғдой, 70 тонна шоли ғамлаб қўйилган. Вазиятни ҳисобга олган ҳолда бу йил яна 110 гектар майдонга буғдой экилди. Ун, шоли тегирмони қуриляпти. Аҳолининг юз фоизи табиий газ, саксон фоизи эса тоза ичимлик сув билан таъминланган. 440 оила Республика Президентининг Фармони асосида уйжой қуриш учун ер олди.

Ҳаракатда — баракат, дейди халқимиз. К. Маркс номли жамоа хўжалиги аъзолари ҳам бугун ҳаракатга тушишган. Ниятлари ерга экин экиб, барака ундириш. Шу боис уларнинг руҳи тетик, мўлжаллари аниқ.

Р. ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири.

ДИЛИМИЗ БИР— МАҚСАДИМИЗ БИР

Куни кеча Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Қозоғистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон республикалари халқ таълими вазирликлари раҳбарлари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда республикалараро халқ таълими-тарбияси соҳасида алоқаларни янада мустаҳкамлаш, мустақил миллий таълим сиёсатларидан келиб чиқиб ва олий даражадаги интеллектуал потенциалларнинг ривожланиш соҳалари бўйича ҳамкорлик қилиш мақсадида тузилган шартномаларга имзо чекдилар.

Республикалар Халқ таълими вазирликлари раҳбарлари шартнома асосида умумий принципларни амалга оширган ҳолда таълим сиёсатидаги умуминсоний қадриятлар, миллий-маданий бойликлар, илм ва маърифат, инсонпарварлик ва демократияни ривожлантириб, халқаро даражадаги таълимотларга ёндашган ҳолда истеъдодли илм соҳибларини қўллаб, бепул ўқитишни моддий таъминлаш ҳақида келишиб олдилар. Бу эса миллий таълимнинг ташкилий жараёнига кирувчи, қайси тилда бўлишидан қатъий назар, ҳамма таълим-тарбия муассасаларининг тенг ҳуқуқлигини таъминлайди. Уларни давлат миқёсида педагогик-ташкилий, ўқув-услубий, илмий ва моддий томондан қўллаб-қувватлайди.

Шартномаларни имзолаш жараёнида Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев, Қозоғистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Ж. Азизхонов, Озарбайжон халқ таълими вазирининг ўринбосари А. Меҳрамов, Қирғизистон халқ таълими вазирининг ўринбосари М. Имомгулова, Тожикистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Рашидов, Туркманистон халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари А. Бегжонов ва бошқалар республикалар олдида турган муҳим муаммолар хусусида тўхталдилар.

Республикалар Халқ таълими вазирликлари раҳбарларининг бундай учрашувлари Ўзбекистон Фанлар академияси ва республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам бўлиб ўтди.

• ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК •

Ҳисобда тўрт амални билишлик — риёзиёт билимдони деган гап эмас. Шеъриятнинг «тўрт амал»и билан ҳам бир амаллаб кун ўтказиш мумкиндир. Бироқ риёзиёт сингари унинг ҳам ўзига хос мураккабликлари бўлади. Бу Эътиқод, Кураш, Муҳаббат, Садоқатнинг чинакам ички туғёнларини ўзида бадиий акс эттира олган мисраларда, юксак бадиий санъатда ўзин намоён этади.

Халқ қувонч ва ҳасратларини кифтига ортган заҳматкаш мисралар яратиш иштиёқи билан ижод қилаётган Минҳожиддин Ҳайдар «Кўл ва ирмоқ» шеърида шундай мисраларни битган эди:

— Айт-чи, томирингда не қудрат пинҳон,
Мудом илгарилаб кетурсан, Ирмоқ!

— О, бунчалар содда бўлмасанг, Кўлжон,
Кўряпсан-ку, ортда суянчиғим — ТОҒ!..

...Халқ дард ва ташвишлари, қувонч ва армонлари билан яшаётган шоир ўз ижоди ва фаолиятида халққа суянади. Ижод-ку тушунарли, фаолияти не дерсиз! 1991 йил 5 декабрь куни Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитаси коллегиясининг қарори билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қошида жумҳуриятимизда биринчи марта «Минҳож» номли хайрия-саховат нашриёти ташкил этилди. «Минҳож» номи Минҳожиддин Ҳайдарнинг исмидан олиб, қўйилганлигига эътибор бергандирсиз.

Куни-кеча у билан учрашиб, хайрия-саховат нашриётининг муддао ва режалари ҳақида суҳбатлашдик.

ХАЙРИЯ-САХОВАТ НАШРИЁТИ

— Нашриётнинг асл муддаоси нима?

Асл муддаоси қатағон йиллари ман қилинган, бироқ жумҳуриятимиз маънавий эҳтиёжлари кемтикларини тўлдириш ва юксалишига мадад бериши мумкин бўлган ўтмиш алломаларимизнинг китобларини, қўлёзмаларини, шунингдек, китобхонлар талаби катта бўлган замонавий ва хорижий ижодкорлар асарларини чоп этиш.

— Нашриётнинг йиллик нашр ҳажми ҳақида, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитидаги қоғоз тақчиллиги пайтида, китоб чоп этиш режаси ҳақида икки оғиз сўзлаб бersангиз?

— Йиллик нашр ҳажми 50 босма тобоқ. Бу йилнинг ўзида 100 босма тобоқдан ошади. Келгуси йилларда эса унинг ҳажми мунтазам ошиб бораверади. Наинки туркий, шарқ маданияти тарихи, унинг дунёқараши тўғрисидаги барча улуғ китобларимиз ва қўлёзмаларимиз қатағон йиллари йўқ қилинган. Ўйлайманки, эзилган халқимизнинг қайсидир хонадонида ана шу қатағонга учраган улуғвор тарихимизнинг қандайдир бўлаклари, қандайдир поралари сақланиб қолган. Ўшаларнинг ҳисобига нашриёт босма тобоқларининг ҳажми ошишига ишонаман.

— Маблағни қаердан оласиз?

— Маблағни ўзимнинг шахсий маблағим ҳисобидан харжлаяпман, буни асло муболаға деб тушунманг. Ҳеч бир ташкилотдан бир тийин ҳам олмадик. Шунинг учун ҳар бир чоп этадиган китобларимизнинг муҳаррири ҳам ўзимнинг оила аъзоларим. Рафиқам Маърифат адабиёт ўқитувчиси ва нашриётимизда чиқаётган китобларнинг муҳаррирдир. Қизимиз Гулҳаё 11-синфда аъло баҳоларда ўқиш билан биргаликда китобларимизнинг мусаҳҳиҳидир. Худо хоҳласа келгусида Тошкент мусаввирлик ўқув юртининг толиби ўғлимиз Беҳзод китобларимизнинг бадиий безагини бойитади. Қизларим Гулранг ва Райҳоналар эса машинкада ёзиш ишларида ёрдам беришяпти.

— Қалдирғоч китоб қайси алломага насиб этди?

— Шубҳасиз ҳали ҳозиргача сир тутиб келинган ва «Ёлғончи тарихчи»ларимиз жуда ҳам ижобий баҳолаб, Бухоро амирлигини ўз ихтиёри билан совет қўшинларидан ёрдам сўраш ҳисобига ва умуман Бухоро меҳнаткашлари таклифи билан советларга қўшилган деган ёлғон мулоҳазаларни чиппакка чиқарувчи, ҳақиқий далиллар асосида қандай қилиб Бухоро амирлигининг ваҳшийларча ағдарилганлиги, қизил инқилоб жаллодлари Куйбишев ва Фрунзеларнинг тарих олдидаги қора қилмишларини акс эттирувчи биринчи ўзбек профессори Абдурауф Фитратнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» номли тарихий, ижтимоий-сиёсий китобини чоп этишдан бошладик.

— Нашриёт биринчи бўлиб ўз ўқувчиларига тақдим этган ана шу китоб ҳақида қандай фикрдасиз?

— Ўзбек адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлмиш Абдурауф Фитратнинг «Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври» номли тарихий-публицистик асарида яқин ўтмишимиз султон ва амирларининг калтабин ликлари, «Ёш бухороликлар»нинг болаларча алданганликлари ва энг асосийси XX аср босқинчилиги оқибатида улуғвор бир туркий давлатнинг таназзулга юз тутиши аянч бир ҳасрат билан баён этилади.

Фитрат домла ўзлари тан олиб айтганларидек ва «Сўнг сўз» ботинидан шундоққина тепчиб турганидек: қандайдир, пихи қайрилган, калондимоғ бир тазйиқ, қолаверса, амир билан ўртадаги сиёсий мухолифият ушбу асар ёзилиши учун муаллифни аччиқ тил ва қора рангни меъёридан ортиқроқ ишлатишга мажбур этган.

Аллома шарқшунос, биринчи ўзбек профессори Фитратнинг бу асари (у қандай ёзилганидан қатъий назар) тарихимизнинг ҳалигача қоронғу бўлган томонларини билишга, қолаверса, атоқли муаллиф ижодига атрофлича назар ташлашга имкон беради, деган ниятдамиз.

— Абдурауф Фитратнинг бу китобин ёзишига нима туртки бўлган, деб ўйлайсиз?

— Бунга Фитратнинг ўзи шундай жавоб берган: «Тожикистон давлат нашриёти кўп вақтдан бери Олимхоннинг шахсий ҳаёти ва ҳукмронлик даврида қилган номақбул ҳаракатларини бир рисолага тўплаб, нашр этишни мўлжаллаган эди... Нашриёт шу мақсадда анчадан бери далилларни тўплаб келар эди. Ниҳоят тўпланган материалларни менга топшириб, уларни тартибга солишимни ва китобча шаклига келтиришимни сўради. Гарчи бу иш менинг ихтисосимга тўғри келмаса-да, Бухорода яшаганлигим, Олимхонга қарши иш тутганлигим туфайли бу таклифни рад этишни ўзимга муносиб кўрмадим. Натижада ана шу материалларни тартибга солиб, ушбу рисола шаклига келтирдим».

— Навбатда яна қандай асарларга омад кулиб боқади, ёруғликка чиқади?

— Ҳазрати Алишер Навоийнинг дин тўғрисидаги «Сирож ул-муслимин» («Мусулмонлик чироғи») номли асарини, дунёга машҳур оташин курашчи, ҳамюртимиз Боймирза Ҳайитнинг «Туркчиликнинг баъзи масалалари», «Озодлик куни қачон?» номли китобларини, шунингдек, «Ота—Турк ва Туркистон», Исмоил Ҳатойнинг туркча девонидан «Ўтма номард кўпригиндин» ғазаллар мажмуини, «Амир Темур ва Боязид», «Қашқар тилидан эса «Чингизнома», «Ўзбекларнинг келиб чиқиши тарихидан» номли ва бошқа қатор китобларни чоп этишни режалаштирганмиз.

— Китоблардан тушадиган фойда нималарга сарфланади?

— Ўтмиш алломаларимизнинг тарих, фалсафа, адабиёт, санъат, дин, ахлоқ ва тарбияга оид нодир китобларини, қўлёзмаларини, шунингдек, китобхонлар талаби катта бўлган замонавий ва хорижий ижодкорлар асарларини чоп этишдан тушган фойда эвазига туркий халқлар улуғ алломалари зиёратгоҳларини таъмирлаш, бунёд этиш ва ободоонлаштиришдан ташқари талантли, бироқ қашшоқ холда яшаётган, шунингдек адабиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшиб вафот этиб кетган ижодкорларнинг оилаларига имконият даражасида ёрдам берамиз. «Минҳож» хайрия-саховат нашриёти бу ҳуқуққа расмий рўйхатдан ўтказилиб, қонуний фаолият бошлагани учун муяссар бўлди. Тошкентда зиёратгоҳ ташкил қилмоқчимиз, хорижий, мусофир юртларда ҳоки қолиб кетган, жанозаси ўқилмаганларнинг қабрларидан тупроқлар олиб келамиз.

— Сизни кенг китобхонлар иқтидорли шоир сифатида яхши танишади. Ижодингиз ва нашриётнинг яқин орадаги режалари ҳақида гапириб бersангиз.

— Чорак асрдан буён ўнга яқин китоблар муаллифи бўлдим. Улар орасида «Олтин бешик», «Тирик аланга», «Булбулсўз» ва бошқалар бор. «Онаизор» драматик достоним, «Узоқдаги шайтон» номли шеърий памфлетим чиққан. Режалар эса ҳали катта. Нашриётимизга келганда шу кунларда Наврўзга бағишланган, шунингдек, буюк соҳибқирон бобомиз Амир Темурнинг, шеъриятимиз соҳиб султони бўлган Мир Алишер Навоийнинг қиёфалари туширилган нақшинкор тақвим (календарь)ни чиқариш арафасида турибмиз. Навоий бобомиз ўз давридаёқ туркий қавмларнинг биттами, юзтами, мингтами бўлишидан қатъий назар, битта бўлинмас туркий халқ эканлигини таъкидлаб кетган эканлар:

Гар бир қавм, гар юз,
йўқса мингдур,
Муайян турк улуси худ
менингдур...

— Тилакларингиз?...

— Отахон газета, мустақил республиканинг миллий рўзномаси «Ўзбекистон овози» орқали муштарийларга шундай мурожаат қилмоқчиман:

Кутубхонангиз (танишбилишларингиз)да инқилобдан сўнг чоп этилмаган тарихимиз, фалсафа, адабиёт, санъат, дин, ахлоқ ва тарбияга оид нодир китоблар, қўлёзмалар бўлса, бизга маълум қилишингизни илтимос қиламиз. Биз бундай китоб ёки қўлёзмаларни келишилган нархда сотиб олиб, номингизни ушбу китобга қайд этган ҳолда чоп этамиз.

Суҳбатдош
Ҳамид ИКРОМОВ.

СПОРТ

АНЪАНАВИЙ МУСОБАҚАДА

● ЎРИМЧИ шаҳрида Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари спортчилари ўртасида анъанавий мусобақа бўлиб ўтди.

Иккинчи марта уюштирилган бу мусобақада Қозоғистон, Ўзбекистон, Қирғизистон терма жамоалари иштирок этишди. Республикамиз ёшлари мусобақаларни кўтаринки руҳда ўтказдилар. Улар жами 8 та олтин, 4 та кумуш, 1 та бронза медалига эга бўлишди. Курашувчиларимиз беллашувларда шунча совринли ўринларни олишган бўлса, енгил атлетикачилар бу муваффақиятнинг мустаҳкамланишига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Чунончи югурувчилардан тошкентлик Эдуард Калашников билан навоийлик Алберт Шамсиевлар маррада биринчи бўлишди. Узунликка сакрашда қувасойлик Ирина Окониренко, тошкентлик Светлана Рубан билан Владимир Черниковлар ғалаба қозонишди. Жами 6 та олтин медал жамғарган Қозоғистон терма жамоаси иккинчи ўринни эгаллади. Мезбонлар ҳам шунча марта ғалаба қозонишди.

МУНОСИБ ЎРИНБОСАРЛАР

● ИККИ КУНДАН кейин Ўзбекистон шаҳарларида ўқувчи-ёшлар ва ҳунар-техника билим юртлари талабалари ўртасида республика спартакиадаси бошланади.

Учинчи марта ўтказилаётган мусобақалар Ўзбекистоннинг турли шаҳарларида уюштирилади. Биринчи бўлиб Чирчиқ шаҳрида баскетболчилар баҳсга киришадилар. Урганч шаҳрида боксчилар, Қаршида эркин курашчилар, Термизда самбочилар ўзаро баҳслашадилар. Спортимиз ўринбосарлари мусобақанинг 21 тури бўйича совринли ўринлар учун курашадилар.

ПЕШҚАДАМ ЎЗГАРДИ

● ШАХМАТ бўйича Ўзбекистон чемпионати якунланай деб қолди.

Саккизинчи тур учрашувларидан кейин пешқадам ўзгарди. Чирчиқлик Саидали Йўлдошев кетма-кет ғалабага эришиб, очколарини олтитага етказган ҳолда биринчи ўринга кўтарилди. Иккинчи ўринда бораётган Блодштейн ҳисобида 5,5 очко бор.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» РЎЗНОМАСИНИНГ

ЖАРЧИНОМАСИ

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ ҚАФЕДРАЛАР БЎЙИЧА ПРОФЕССОР-ЎҚИТУВЧИЛАР ТАРКИБИДАГИ БЎШ ЛАВОЗИМЛАРГА

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

КАФЕДРА МУДИРЛАРИ: Хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш; Жисмоний тарбия ва фуқаролар мудофааси; Ўзбек ва рус тиллари; Жуғрофия; Солиқ ва солиқ солиш; Тарих, Чет тиллари.

ПРОФЕССОР: Сиёсий иқтисод.

ДОЦЕНТЛАР: Бухгалтерия ҳисоби; Молия; Пул муомаласи ва кредит (2); Халқ хўжалиги тармоқларида молия ва инвестиция; Технология; Математика (2); Фалсафа ва сиёсатшунослик; Сиёсий иқтисод (2); Тарих (3); Ўзбек ва рус тиллари.

КАТТА ЎҚИТУВЧИЛАР: Пул муомаласи ва кредит; Математика; Сиёсий иқтисод; Ўзбек ва рус тиллари (5); Бухгалтерия ҳисоби (2). Макроэкономика ва социал тараққиёт.

АССИСТЕНТЛАР: Молия (2); Пул муомаласи ва кредит;

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.

Ҳужжатлар танлов тўғрисидаги низомга мувофиқ қуйидаги манзилга жўнатилсин: Тошкент шаҳри, София шоҳ кўчаси, 7-уй. Телефонлар: 34-72-92, 34-55-38, 34-66-58.

ТИББИЁТ МУАССАСАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР ВА АЛОҲИДА ФУҚАРОЛАР

ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги хўжалик ҳисобидаги муассасалар Бош бошқармаси

Халқ табобати маркази

«ҚЎЛ ТЕККИЗМАСДАН УҚАЛАШ ВА МЕДИДАТИВ АУТОТЕРИНГ» курси, шунингдек, «РУҲИЙ ТАЪСИР ЭТИШ» курсига

ТИНГЛОВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Ўқиш муддати — 15 кун.

Машғулотлар гуруҳлар жамланганидан кейин бошланади.

Ўқиш баҳоси турар-жой ва овқатланиш билан бирга — 2100 сўм. Нақд пул тўлаш ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади. Курсларни тамомлаганларга хорижда ишлаш ҳуқуқини берувчи Халқаро нусхадаги ДИПЛОМ берилади.

Курсларга қабул буюртмага мувофиқ амалга оширилади. Келиш чақириққа қараб.

Халқ табобати маркази

БЕМОРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

(Маълумотлар телефон орқали)

Даволаш ишлари халқ табобати ва доривор ўсимликларни қўллаш усуллари ёрдамида марказнинг етакчи мутахассиси Эргаш Иброҳимов томонидан олиб борилади. Э. Иброҳимов «Чернобиль» уюшмаси билан биргаликда Украина, Россия ва Ўзбекистон ҳудудларида кўп йил ишлаб катта тажриба орттирган шифокор ҳисобланади.

Сизнинг соғлигингизни мустаҳкамлашга кафолат берамиз.

Беморлар 2-43-36, 2-29-31 телефонлари орқали навбатга ёзилишлари мумкин.

Сизларни қуйидаги манзилгоҳда кутамиз: 716002, Наманган шаҳри, Марғилон кўчаси, 7-уй.

Халқ табобати маркази

БЕЛЬГИЯНИНГ «МАРЧИЛ» ФИРМАСИ

Бельгия, Франция, Италия ва Германияда ишлаб чиқарилган француз технологияси бўйича нон ва қандолатпазлик маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун лозим бўлган ускуналарни валютага ва сўмларга

СОТАДИ

МУРОЖААТ ҚИЛИШ УЧУН ТЕЛЕФОН:

78-30-43 (соат 16.00 дан кейин).

ҲАЁТИМИЗ ГЎЗАЛЛИГИ

Беназир санъаткор Мукаррама Турғунбоева «рақс санъати — ҳаётимиз ҳусни», деган эди. Унинг бу сўзлари «Чаман» болалар фольклор-этнография рақс дастасининг ҳисобот концертида яна бир бор тасдиқланди.

Ҳамза номли ўзбек давлат академик драма театрида улкан рақс байрамига айланиб кетган бу концерт Мукаррама Турғунбоева таваллудининг 80 йиллиги ва Наврўз байрамига бағишланди.

(ЎзА мухбири).

• Дилдаги гаплар

ЯХШИЛИКЛАР ТИЛАЙМАН

Ўтган йилнинг май ойида енгил машина ҳайдовчиси бир йигитнинг бепарволиги туфайли оғир тан жароҳати олдим. Тўққиз жойимдан суякларим синиб, бошим лат еди. Мени оғир аҳволда пойтахтдаги «Тез ёрдам» клиник шифохонасига етказиб келишди.

Шифохонанинг суяк жароҳати бўлими шифокори Шавкат Рустамов менга ўз отасидек илиқ ва меҳр билан муомала қилиб, даволай бошлади. Саккиз ой бир ерда қимирламай ётиш айтишга осон. Устига ёшинг бир жойга бориб қолгандан кейин уёғи... зирапча кирса, жонинг оғрийдику, бу ҳазилакам дардмиди?! Дардни енгиш учун беморнинг иродасигина етарли эмас. Унинг атрофидагиларга, шифокорларга айниқса, сабр-тоқат берсин экан. Мен саккиз ой мобайнида «Тез ёрдам» шифохонасининг турли бўлимларида даволандим. Бу ердаги оқ халатли укаларим, сингилларим хизматини бир умр унутмайман. Бугун оёққа туриб юраётган эканман, бунда шу меҳрибонларимнинг ҳиссаси бор.

Азиз Светлана Алексеевна, Люба Богатирова, Олег Александрович, Тоҳир Мирродилов, Фозилжон Умаргалиев, Комила Нуржонова, Раиса Израиловна, Ирина Асеева, Дилором Салахова, қолаверса, яшаш жойим — Акмал Икромов районидаги 30-шифохона бош врачи Муяссархон Муҳамедова, ҳамма-ҳаммаларингиздан беҳад миннатдорман. Ҳеч кам бўлманг. Мендек бир ногиронни оёққа турғазган экансиз, сизнинг ҳақингизга умрим борича яхшиликлар тилайман.

Лекин мени бир нарса қийнайди. Шу фалокатга йўлиққанимга қарийб бир йил бўлаётган бўлса менинг кетимда бутун оилам, болачақаларим, қариндош-уруғ, қўни-қўшниларим, қолаверса шифокорлар оворaю сарсон бўлишди. Бир мени оёққа турғазиш учун давлатнинг қанчадан-қанча маблағи кетди, ахир. Шунда ҳам соппа-соғ юрган одам биринчи гуруҳ инвалиди бўлиб қолдим. Ҳаётда мендеклар камми?! Тўғри, баъзида одамнинг ўзи сабаб бўлиб ҳам жароҳатга учраши мумкин. Лекин ўзини ўзи бошқаролмайдиган бир қайдовчи сабаб олинган жароҳатларга ким жавоб беради?! Давлатнинг бунга кетган маблағлари ўрнини ким тўлдиради? Мен шундай ҳайдовчиларнинг айблари суд орқали тасдиқлангудек бўлса, бутун сарф-ҳаражатнинг ўшалардан ундириб олишни таклиф этаман. Ана шунда одам тақдири билан ўйнашмайдилар. Ёшларда бу борадаги масъулият, жавобгарлик ҳисси ортади.

Қобул ОДИЛОВ,
уруш ва меҳнат фахрийси.

• Милиция ҳаётидан •

ҲУШЁР СОҚЧИЛАР

Иқтисодий танглик шароитида мўмай даромад орттириш илинжида юрган нафс бандлари ҳалқимиз ризқини қийишдан ҳайиқишмаяпти. Биз моддий бойликларни республикамиздан ташқари олиб чиқиб кетишни назорат қилиш давлат инспекциясининг Наманган вилоят Косонсой районидаги 105-пунктида бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

Пункт Қирғизистон жумҳуриятининг Жалолобод вилоят Олабуқа райони билан Косонсой районининг чегарасида жойлашган. Катта йўлдан турли транспорт воситалари бетўхтов ўтиб боряпти. Сал шубҳали кўринганини назоратчилар тўхтатиб текшириб кўришмоқда.

Кичик назоратчи Камолхон Ризаев Косонсой райони томонидан келаётган «ГАЗ-53» автомашинаси ҳайдовчисига йўл четига ўтиб тўхтатиш ишорасини қилди. Машинада 3 тонна шакар олиб кетилаётган экан. Ҳужжатларда шакарни Олабуқа район тайёрлов идораси шу районнинг Айритом қишлоқ матлубот жамиятидан сотиб олингани қайд этилган. Бироқ К. Ризаевга бу ҳужжат шубҳали туюлиб, у чуқурроқ суриштиришга киришди. Бундан «хуноби ошган» Олабуқа район тайёрлов идораси тайёрловчиси Мирза Қозоқов:

— Ҳамма ҳужжатлар жойида бўлгандан кейин нима қиласиз вақтимизни олиб? Бу ўзимизнинг райондаги бир ташкилотдан бошқа ташкилотга олиб кетиляпти. Фақат йўлимиз Ўзбекистон ҳудудидан ўтгани учун шу йўлдан юрдик, холос, — деди.

Сиртдан қараганда ҳақиқатан ҳам ҳамма ҳужжатлар жойида эди. Лекин назоратчилар пухтароқ текшириб кўришга аҳд қилишди. Улар бу ердан унча олис бўлмаган Олабуқа район Айритом қишлоқ матлубот жамиятида бўлганларида у ердагилар ҳайратдан ёқа ушлашди.

— Ўз халқимизга шакар топиб беролмаяпмиз-ку, қандай қилиб уч тонна шакарни сотиб юборамиз, — де йишди улар.

Шундан кейин Мирза Қозоқовнинг тарвузи қўлтиғидан тушиб, дами чиққан пуфакдек бўшашиб қолди. Маълум бўлишича, у шакарни Косонсой районидаги «Косонсой» давлат хўжалиги қошидаги «Шарбат» давлат кичик корхонасидан олган экан. Ушбу корхона омбори кўздан кечирилганда бу ерда яна тўққиз тонна шакар сақланаётгани аниқланди. Кичик корхона фаолиятини тафтиш қилиш вазифаси тегишли органга топширилди.

Олабуқа райони томонига қараб келаётган «ЗИЛ-130» автомашинаси тўхтатилиб, текширилди. Унда Олабуқа район матлубот жамиятига Андижон ёғ-мой экстракция заводида ишлаб чиқарилган 5212 килограмм хўжалик совуни олиб кетилаётган экан. Завод билан Олабуқа район матлубот жамияти ўртасида мол айирбошлаш ҳақида шартнома тузилмагани ҳолда шунча маҳсулот олиб кетилаётгани назоратчиларни хушёр торттирди.

Наманган вилояти ҳудудида давлат назоратчилари томонидан ушлаб қолинган совун қўшни республикага ўтказилмади. Шу ернинг ўзида Косонсой районидаги 30-магазин орқали аҳолига сотилди.

Давлат назоратчилари кеча-ю кундуз ўз жойларида хушёр туришибди.

А. МАДАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ВАЗИФА— ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ходимлари томонидан «Қопқон», «Ўргимчак», «Тўр», «Чақмоқ», «Лабиринт», «Довул» номлари билан ўтказилган тадбирлар натижасида кўплаб илгари судланганлар, жиноят содир этишга мойиллиги бор шахслар, ҳеч қаерда ишламайдиганлар, бошқа жумҳуриятлардан санқиб келган дайдилар, ичкиликбозлар, жанжалкаш оилалар рўйхатга олинди. Турли хил жиноий иш содир этган балоғат ёшига етмаган ўсмирлар ички ишлар бўлимларига келтирилди.

— Бугунги иқтисодий танглик пайтида жиноятнинг айрим турлари милиция ходимлари ҳушёрлигини янада оширишни тақозо этмоқда, — дейди бошқарма бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги Муҳаммаджон Деҳқонов. — Ноҳуш ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олишда, айниқса, участка вакилларининг хизмати катта бўляпти. Улар ўзлари посбонлик қилаётган маҳалла, йирик турар-жой мавзелари аҳли билан бевосита мулоқотда бўлиб, қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот масалалари бўйича суҳбатлар ўтказишмоқда. Шу туфайли ўтган йилнинг ўзида содир этилиши мумкин бўлган минглаб жиноятларнинг олди олинди. Вазифамиз — жиноятчини қамаш эмас, у содир этмоқчи бўлган жиноятнинг олдини олишдир.

Р. АКБАРАЛИЕВ.



Суратда: милиция подполковники М. Деҳқонов милиция лейтенанти А. Тенга навбатдаги топшириқни бермоқда.
Суратқаш В. ТУРАЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон матлубот кооперациясининг ишлаб чиқариш кооперативлари ва ижарачилари уюшмасининг ижроия қўмитаси раҳбарияти ва ходимлари «Асос» кичик корхонасининг директори А. Назаровга қизи

ШОДИЯнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16; 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● 367.500 нусхада чоп этилмоқда.

Буюртма № Г — 15.

№ 47.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди—23.00 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.